Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 149 (20. 416) • 1989 йил 24 июнь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 23 июнь куни бўлиб ўтган XIV пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум Р. Н. Нишонов СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган И. А. Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Е. З. Разумов иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

23 июнь куни Кремлда СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда СССР Олий Советининг биринчи сессиясини давом эттириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Сессиянинг кун тартиби билан иш тартиби муҳокама қилиниб, маъқулланди.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьяновнинг ахборотига мувофиқ, СССР халқ депутатлари съезди СССР Олий Советига берган топшириқларни бажаришга доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Президиум бу таклифларни маъқуллади ва уларни СССР Олий Советининг кўриб чиқиши учун тақдим этди.

Сўнгра Президиум съезднинг, СССР Олий Советининг ҳамда улар органларининг ҳужжатларини эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Шу Қонун лойиҳасини СССР Олий Советининг кўриб чиқиши учун тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаковнинг СССР ҳукумати ва бошқа давлат органлари составига номзодларни муҳокама қилиш юзасидан СССР Олий Совети комитетлари билан палаталар доимий комиссияларининг иши тўғрисидаги ахбороти тингланди ва маълумот учун қабул қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми ўзининг конституцион ваколатларини амалга ошира бориб, СССР халқ депутатларидан мукофотлар, гражданлик ва авф этиш масалалари комиссияларини тузди.

Миллатлар Совети миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар доимий комиссиясининг тақдимномасига биноан месхети туркларининг аҳолиси муаммоларига доир депутатлар комиссияси тузилди.

Давлат турмушига оид бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВ

1938 йили хизматчи оиласида туғилган, ўзбек, 1964 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника институтини ва Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган, инженер-механик, иқтисодчи, иқтисод фанлари кандидати.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда «Ташсельмаш» заводида бошлаб, мастер ёрдамчиси, сўнгра Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида етакчи инженер, инженер конструктор бўлиб ишлаган. 1966 йилдан 1983 йилгача Ўзбекистон ССР Госпланида ишлаб, у ерда бўлимнинг бош мутахассислигидан Госплан раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1983 йилда у Ўзбекистон ССР молия министри этиб, 1986 йилда эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — республика Госплани раиси этиб тайинланади. У 1986 йилнинг декабрида Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари этиб сайланади. СССР халқ депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзосидир. Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар Дўстлиги орденлари, медаль билан мукофотланган.

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Ҳар йилги анъанага мувофиқ яна Наманган районидаги «Коммунизм» колхози ғаллазорларида қардош Қирғизистон ССРнинг Олабуқа районидаги «Бирлик» совхози механизатори Набижон Норматов ҳам «Нива» комбайнини моҳирлик билан бошқаряпти. Ў колхознинг тажрибали механизатори Собиржон Йўлдошев билан мусобақалашиб, кунига 2—2,5 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб оляпти. Ҳозиргача 20 гектар ердаги ҳосил ўриб-янчилди.

Ишнинг бир маромда бориши учун колхоз правлениеси, партия ташкилоти барча зарур шарт-шароитларни яратишган. Бу йилги мавсум натижаларидан пудратчи Ҳамиджон Насриддиновнинг, айниқса кўнгли чоғ. Унинг ихтиёридаги 14 гектар майдондан дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда гектар ҳисобига 50 центнердан дон олиняпти.

Райондаги Охунбобоев номли, Дзержинский номли, Энгельс номли колхозларда ҳам ғалла ҳосилини йиғиб-териб олиш қизғин.

А. ҚОРАБОЕВ.

ШОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Холматжон Нормирзаев етакчилигидаги бригада ишчилари бу йил мавжуд 63 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун далаларда мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Ҳар туп ниҳол деҳқон ардоғида. Яхши парваришланаётган ғўзалар ҳосилига-ҳосил қўшилаётир. Ҳозир кўпчилик ғўза тупларида 2—3 тадан шона бор.

Ғўзага ишлов беришда тажрибали тракторчи Иброҳимжон Рўзиматов жонбозлик кўрсатаётир. У агрегатини моҳирлик билан бошқариб, кунига 6—7 гектар майдондаги ғўзани сифатли культивация қиляпти. Ҳозиргача ниҳоллар иккинчи ишловдан чиқарилди. Бир марта ўғитланди. Айни чоғда учинчи ишлов ва иккинчи ўғитлаш бошланди.

Ғўза парваришида Тожихон Сотиволдиева, Ҳурихон Раҳимова, Турсунали Йўлдошев сингари пахтакорлар барчага намуна.

Ҳа, Фарғона область, Охунбобоев районидаги Аминжон Ниёзов номли совхознинг мазкур 9-бригада даласида бўлсангиз, шонагашона қўшилаётган ғўзаларни кўриб кўзингиз яшнайди.

Т. ТЕШАБОЕВ.

ҒАЙРАТ БИЛАН

ХЎЖАОБОД. Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ҳаракат қилаётган район паррандабоқарлари дастлабки меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Улар тухум тайёрлаш ярим йиллик планларини ошириб адо этишди. Давлатга 598 минг ўрнига 600 минг дона тухум сотилди. Бу муваффақиятга «Правда», Карл Маркс номли колхозлар, Киров номли аграр-саноат комбинати паррандабоқарлари катта ҳисса қўшдилар.

Паррандабоқарлар ўз имкониятларини ҳисобга олиб, ой охиригача яна 30 минг дона тухум топширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВА.

Дунё овози

ДЕКЛАРАЦИЯНИНГ АСОСИЙ АҲАМИЯТИ

ВАШИНГТОН

АҚШ президенти Жорж Буш Оқ уйда Вашингтонга амалий визит билан келган ҒФР ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншер билан учрашди.

Учрашувдан кейин журналистларнинг саволларига жавоб бериб, Ғарбий Германия министри, мен Совет раҳбари Михаил Горбачевнинг ҒФРга яқиндагина бўлган визити якунлари ҳақида президентга ахборот бердим, деди.

«Биз визит ва Ғарбий Германия билан Совет Иттифоқи ўртасида имзоланган декларациянинг ғоят муҳимлиги хусусида яқдил фикрга келдик, —деди Геншер. —Бу декларация Ғарбий Германия-Совет муносабатлари учунгина муҳим бўлмай, балки Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар учун ҳам муҳимдир». Биринчи бор Ғарбдаги давлат ва СССР ўртасида имзоланган декларациянинг асосий аҳамияти шундаки, деб таъкидлади шундан кейин Г. -Д. Геншер, бу декларацияда умумий мақсадлар, принциплар ва қадриятлар мустаҳкамлаб қўйилган, Қўшма Штатлар ва Канада ҳам «Европадаги тинчлик тартиботида ёки руслар ибораси билан айтадиган бўлсак, Умумевропа хонадонида ўрин эгаллашлари лозимлиги» ҳақидаги факт тасдиқланган.

КРАУНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК

Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг турли муаммолари муҳокама қилинаётган ҳозирги вақтдаги муҳит яхши томонга анча ўзгарди, деди Эй-би-си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда АҚШ қуролли кучлари штаблари бошлиқлари комитетининг раиси адмирал Уильям Крау. Крау СССРга расмий визит билан келган ва уни чоршанба куни М. С. Горбачев қабул қилган эди. Адмиралнинг сўзларига қараганда, М. С. Горбачев унда «кучли таассурот» қолдирган.

Ўз сафари ва шунга ўхшаш бошқа ташрифлар туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда ишончсизлик камайдими, деган саволга жавоб берар экан, Крау шундай деди: «Ҳа, камайди, деб ўйлайман. Бу бизда келишмовчиликлар йўқ деган маънони билдирмайди. Биз уларни муҳокама қиляпмиз. Лекин муҳокамалар бўлаётган, унда бир-бирини тушунмаслик сабаблари аниқланаётган ва ўзаро фикр алмашувлар бўлаётган муҳит, менимча, яхши томонга қараб жуда ўзгарди».

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

ТОКИО—ТОШКЕНТ—ДАЛВАРЗИНТЕПА

Ўтган йили Японияннинг Нара шаҳрида «Буюк ипак йўли Нарага боради» деган халқаро кўргазма намойиш этилганди. Ўшанда Ўзбекистондан юборилган экспонатлар анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Сурхондарё областининг Далварзинтепа қишлоғида археологик қазишмалар чоғида топилган Будда ҳайкаллари япон олимларида ўзбек ҳамкасблари билан илмий ҳамкорлик қилиш фикрини уйғотди. Токио яқинидаги Сока университетининг профессори Като Кюдзо Тошкентдаги Ҳамза номидаги санъатшунослик институти олимлари билан олти йилга мўлжалланган илмий ҳамкорлик режаларини тузди.

Куни кеча Тошкент институтига Японияннинг Сока университети олимлари номидан телеграмма келди. Унда япон археология экспедицияси Далварзинтепада археологик қазилма ишларини олиб бориш учун август ойида Тошкентга келиши маълум қилинган. Бу воқеани Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Баҳодир Азизович Турғунов қуйидагича шарҳлади:

— Шу кунларда Шўрчи районидаги Далварзинтепада халқаро илмий экспедиция ишини қулай олиб бориш учун қизғин тайёргарлик бормоқда. Маҳаллий совет ҳоралари бизга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Биз япон ҳамкасбларимиз билан Далварзинтепада 40 кун қазиш ишларини олиб борамиз. У ерда Будда ибодатхонаси, шоҳ саройи, шаҳар девори харобаларини қазиш ишлари олиб борилади. Олти йил давом этадиган ҳамкорлигимиз самараси Японияда нашр этиладиган илмий китобда ўз ифодасини топади.

РОКФЕЛЛЕР ХОНИМ СОВҒАСИ

Совет Маданият фонди Тошкентдаги «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 1990 йил учун ҳамён календарини 4 миллион нусхада рангли қилиб босмадан чиқарди.

Бу календарда христиан дини ноёб ёдгорлиги ҳисобланган «Одигитрия», «Уч париваш» расм (икон)лари акс эттирилган. Улуғ Ватан уруши йилларида Россиянинг Новгород шаҳридаги София ибодатхонасидан фашист босқинчилари бир қатор ноёб расмларни ўлжа тариқасида олиб кетишган эди. Замон зайли билан бу ёдгорликлар Америкага, Бланшет Рокфеллер хоним коллекциясига бориб қолган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет ҳукумати делегацияси Америка Қўшма Штатларига сафар қилиб борганида, Рокфеллерхоним ана шу кўҳна ёдгорликларни совет делегацияси аъзоларига ҳиммат билан совға қилиб топширди. Шундай қилиб, ярим асрча вақт ичида «дарбадар» бўлиб юрган бу санъат асарлари Москвага келтирилиб, Совет Маданият фонди орқали Новгородга, асл хазинасига қайтарилди.

• *Съезддан кейинги ўйлар*

Бундан бир йил муқаддам Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида делегат сифатида қатнашган эдим. Энди бўлса СССР халқ депутатларининг биринчи съездида иштирок қилиш бахтига муяссар бўлдим.

Тўғрисини айтадиган бўлсам, Советларнинг съезди менда жуда катта таассурот қолдирди. Анжуман бошланган дастлабки дақиқаларданоқ турли мунозаралар, баҳс, тортишувлар авж олди. Мамлакатимиз экономикасини юксалтириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, фан, маданият ва бошқа соҳаларни тубдан қайта қуриш бўйича жуда қимматли фикрлар айтилди. Муаммоларни тезроқ бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Омади гапга кўчадиган бўлсам, биз, чорвадорлар халқ олдида катта қарздормиз. Шаҳардаги озиқ-овқат магазинлари пештахталарини кўздан кечирган пайтда киши буни, айниқса яққол ҳис қилади. Съезд арафасида Москвадаги магазинларни айланганда ғўшт ва сут маҳсулотлари ҳатто пойтахтда ҳам сероб эмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

Нега энди мамлакатимиз, хусусан республикамиз бундай аҳволга тушиб қолди? Бу савол мени кўпдан буён ўйлантириб келади. Ахир, Ўзбекистоннинг иқлим ва тупроқ шароитида меҳнатни севадиган ҳар бир деҳқон оиласининг пичоғи мой устида бўлиши лозим-ку. Афсуски, хўжалик механизмидаги, нарх белгилашдаги ишкалликларни, деҳқоннинг заминдан бегоналашуви жараёнини бироз кечикиб сезиб қолдик. Энди қўлдан бой берган имкониятларни тезроқ ишга солишга шошилиш керак.

ШАХСИЙ ИБРАТ КУЧИ

Бунинг учун биринчи навбатда юқорида айтганимдек шахсий ибрат кўрсатмоқ лозим. Ўтган йилнинг бошида оилам ферма мазмунияти билан сигирларни парвариш қилиш юзасидан пудрат асосида шартнома тузди. Ўзим, қизим Гулсанам, ўғилларим Аббос ва Иноят фермадаги 41 бош сигирни қарамоғимизга олдик. Бир ёқадан бош чиқариб ишладик. Ем озуқани ҳам, дағал хашакни ҳам ҳар куни қатъий ўлчаб олдик, рацион асосида молларга тақсимладик. Ветеринария назоратининг кўнгилдагидек бўлишига эришдик.

Буларнинг ҳаммаси йил охирида ўз самарасини кўрсатди. Ҳар сигирдан ўртача 3666 килограммдан сут соғиб олингани аниқланди. Бу планда кўзда тутилганидан сигир бошига роппароса минг килограмм кўп эди. Умуман, колхоз билан тузилган шартномани ортиғи билан уддалаб, хўжаликка 155 тонна сут, 39 бош бузоқ топширдик.

Биз билан бир вақтда ўз ишини оилавий пудрат асосида ташкил этган Олим Саидов, Комил Хафизов ҳам яхши натижаларга эришишди. Колхоз пудратчиларнинг меҳнатини яхши қадрлади. Йил якуни бўйича оиламиз хўжаликдан 9700 сўм меҳнат ҳақи олди. Ваҳолонки, бундан бир йил муқаддам ҳар биримиз фермада алоҳида вазифани бажарган пайтда умумий меҳнат ҳақимиз атиги 5325 сўмни ташкил қилганди. Ўтган йили пландан ташқари етиштирилган бир бош бузоқ ҳам мукофот тарзида ўзимизга қайтарилди.

Албатта, районда ёки колхозда фақат бизнинг оила бундай муваффақиятга эришгани йўқ. Сигир бошига планда кўзда тутилганидан минг килограммдан зиёд сут соғиб олганлар бор. Бу эса чорвачиликда катта резервларга эга эканлигимизни кўрсатмоқда. Ваҳолонки, областда ўтган йили сигир бошига соғиб олинган сут атиги 2397 килограммни ташкил қилди. Тўғри, бизнинг колхозимизда ҳам, районимизда ҳам бу кўрсаткич область даражасидан анча юқори. Бироқ бу билан биз ўзимизга таскин бермаслигимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг шу йил март Пленумида қабул қилинган қарорларда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини яхшилашда ижара пудратини кенг қўллаш тавсия қилинди. Колхозимиз партия ташкилоти мана шу кўрсатмага амал қилмоқда. Йил бошиданоқ ферма коллективи правление билан ижара муносабатлари тўғрисида шартномага имзо чеккан. Ҳозирча ўзаро шартнома қисқа муддатга — беш йилга тузилди. Буёғи энди ўзимизга боғлиқ. СССР Олий Совети Президиуми яқинда қабул қилган СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги Фармонга асосан эндиликда ижара берувчи ёки бошқа бир шахсларнинг фаолиятимизга аралашувига йўл қўйилмайди, меҳнатимизнинг самараси ўзимизнинг омилкорлигимиз, ишбилармонлигимизга боғлиқ бўлиб қолди.

Ижара пудрати муносабатлари фақатгина чорвачиликда ўзига кенг йўл очиб бораётгани йўқ. Колхоз пахта майдонининг 75 проценти бу йил ижарачиларга тақсимлаб берилди. Яқинда механизаторларимиз колхоз машина-трактор паркини тўла ижарага олишди. Сабзавотчилик, полизчилик, мева ва узумчиликда иш тўла пудрат асосида ташкил қилинган.

Кейинги йилларда эришилган натижалар туфайли колхознинг пул даромадлари ошиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили хўжалик деярли етти миллион сўмлик даромад олди. Юқори рентабеллик туфайли 200 бош молга мўлжалланган янги молхона, ярим миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган консерва заводи қурилди. Фельдшер-акушерлик пункти, боғча янги биноларга кўчиб ўтди, қишлоқларимизда иккита ёзги кино-театр қурдик.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойида айтилган сўзлар ҳаммамизнинг қалбимизда. Ҳозир барча пахтачилик бригадаларида 15—20 бошдан бузоқ боқилмоқда. Уларни келгусида шу бригадаларда меҳнат қилаётган ёш оилаларга сигир қилиб бериш ниятимиз бор. Колхозда 15 километрлик газ тармоғини ўтказишнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилган. Яқинда бу ишни амалга оширишга киришамиз.

Сирасини айтганда, буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлаб чиққан республикани социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш программаси лойиҳаси амалга ошувининг дастлабки самараларидир.

Бу программани қисқа муддатда тўла-тўкис ҳаётга татбиқ этиш эндиликда ҳар биримизнинг ўз иш ўрнимизда қандай меҳнат қилишимизга боғлиқ. Янги хўжалик механизми, ижара ва пудрат муносабатларининг кенг ёйилиши ташаббус ва шахсий ибрат учун пухта замин бўлмоқда.

Оиламиз бу йили қарамоғимиздаги ҳар сигирдан беш минг килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олди. Бир неча йил муқаддам бундай юксак маррани мен ҳатто кўз ўнгимга ҳам келтира олмас эдим. КПСС Марказий Комитети март Пленуми хўжаликларга берган мустақилликлар бундан ҳам юқори марралар учун моддий асос яратиб бермоқда.

Хуллас, қишлоқда бунёдкорлик ўзгаришларини тез амалга ошириш ҳар биримизнинг шахсий ибрат кўрсатиб ишлашимиз, кўпчиликни ўзимизга эргаштира билишимизга боғлиқ.

Фазолат ШАРИПОВА,
Шофиркон районидаги «Шофиркон» колхози сут соғувчиси.

ВАЗИФА ВА БУРЧ

Бу йил ишлаб чиқариш новаторлари байрами — Ихтирочилар ва рационализаторлар куни шонли санага, яъни Совет давлатининг ихтиро учун авторлик гувоҳномаси берилишини белгилаб қўйган биринчи қонун акти — «Халқ Комиссарлари Советининг ихтирочилар тўғрисидаги низоми» деб аталган Декрети имзоланганлигининг 70 йиллигига тўғри келди. 23 июнда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Бутуниттифоқ Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон республика кенгашининг раиси Т. Алимов доклад қилди. Нутқларда республика рационализаторлари ва ихтирочилари қайта қуриш ишига сезиларли ҳисса қўшаётганликлари таъкидланди.

Шу билан бирга мажлисда ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришга, тажриба намуналарини яратишга, экспериментал участкаларни ташкил этишга ажратилаётган маблағлардан ҳали ҳам етарлича самара билан фойдаланилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бундай «тежамкорлик» катта зарар келтирмоқда. Ихтироларни жорий этиш иши ҳам яхши эмас: ихтироларнинг тўртдан бир қисмигина ишлаб чиқаришда зўрға қўлланилмоқда. Кўпгина ихтиролар рўйхатга олингач бир неча йиллар ўтгандан кейингина жорий этилмоқда. Бундай аҳвол фан-техника тараққиётини ривожлантиришга тўғаноқ бўляпти. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти бошланғич ташкилотларининг, касаба союз активларининг, корхоналар ва ноҳиялар раҳбарларининг вазифаси омманинг техника ижодкорлигини ривожлантиришни тубдан яхшилашга, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини такомиллаштиришга эришишдан иборат.

Йиғилиш аҳли ўз ҳамкасбларини — «Ихтирочилик ва рационализациялаш аълочиси» фахрий нишони, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика ва область кенгашларининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган Ўзбекистон ишлаб чиқариш новаторларини табриклади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ СПИТАК ҚУРИЛМОҚДА

Ўзбекистонлик қурувчиларнинг штабида ҳар ўн кунда бўладиган мажлис бошқачароқ бошланди. «Ўзбекспитаккурилиш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи М. Меликўзиев бинокорларга Днепропетровск шаҳридан келган давлат қабули мутахассисларини таништирди. Шундан кейин йўлга киришиб кетдилар. Қурувчилар шу кунларда қандай ишлашганини аниқлашди, участка бошлиқларига кунлик топшириқлар белгиланди. Назоратчилар иш сифатини оширишга тааллуқли муаммоларни муҳокама қилишда жонкуярлик билан қатнашдилар.

Мажлис тугади. Участка бошлиқлари группа аъзоларига жўнаб кетишди. Биз эса М. Меликўзиев билан ўзбекистонлик қурувчиларнинг режалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Шу йил охирига қадар биз 60 минг квадрат метр уй-жой қуришимиз керак, деб ҳикоя қилди у. Режаларимиз гарчи катта бўлсада бажарса бўлади. Ўзбекистонлик бинокорлар қудратли моддий-техника базасини бунёд этдилар. 47 та бағҳовли қуряпмиз: пойдевор қўйдик, деворларни кўтаряпмиз.

— Ўзбек қурувчилари отряди зилзиладан кейиноқ Спитакка етиб келишган, — деб суҳбатга қўшилди Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети раисининг ўринбосари Р. Юнусов. — Йил бошидаёқ республикадаги «Узнииградостроительство» ва «Ташгорпроект» етакчи институтлари лойиҳачилари «Армгоспроект» институтидаги ҳамкасблари билан биргаликда зарур тадқиқот ишларини ўтказдилар, бино қуриладиган жойларни белгиладилар, уйлар лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Уй-жойлар асосан икки-уч қаватли бўлади. Булардан ташқари, бу йил мактаб ҳам қурмоқчимиз. Келгуси йилда эса биз 110 минг квадрат метр уй-жойни қуриб фойдаланишга топширишимиз керак. Бу вазифанинг уддасидан чиқиш учун қувватларни кўпайтирамиз, янги бетон узели қурмоқчимиз. Омборлар кенгайтирилади. Спитак марказидаги янги микрорайонда 14 та уй-жойни июнь ойи охиридаёқ топширмоқчимиз.

К. АГАБАБЯН.
ТАСС мухбири.
СПИТАК, Арманистон ССР.

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА ҚАЙТИБ

«В. И. Ленин. КПСС халқ хўжалигини бошқариш тўғрисида» тематик тўплами нашрдан чиқди. Тўпламга В. И. Ленининг социализмда экономикани бошқариш принциплари, шакллари ва усулларига доир қарашларини таърифловчи асарларидан парчалар; КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин партиянинг экономикани бошқаришни қайта қуришга қаратилган фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлардан парчалар — КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, партия Марказий Комитети Пленумлари материалларидан, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорларидан парчалар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқларидан парчалар киритилган. Тўпламда халқ хўжалигини бошқариш тўғрисидаги ленинча ғоялар ҳамда уларнинг жамият турмушининг ҳозирги босқичида қайта қуриш авж олаётган шароитда мужассамлашган давомийлиги кўрсатилган.

Китоб экономикани бошқаришнинг назарияси ва амалиётини ўрганаётган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

• *Касаба союзлари: қайта қуриш чорраҳаларида*

КОРХОНАНИ КОЛЛЕКТИВ БОШҚАРАДИ

Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги СССР Қонуни кучга кирганига анча бўлди. Бу ҳужжат бошқа бир қатор мустақилликлар билан бирга корхонага раҳбарликни меҳнат коллективига топширди. Аксарият корхоналарда бу ҳуқуқ ишчи-хизматчилар ташаббускорлигини, фаоллигини ошириши, уларда сифат учун, ўзи ишлаётган корхона обрўси, шани учун қайғуриш ҳиссини уйғотишга асос бўлишини англаб, дарров амалий тадбирлар белгилашди. Умумий йиғилишларда ишчиларнинг энг мўътабар вакилларидан иборат меҳнат коллективи кенгаши сайланди. Бу эса ўз-ўзини бошқариш борасида илк қадам эди.

Ҳозир областимиздаги корхона ва ташкилотларнинг жуда кўпчилигида, чунончи, 800 та кенгаш тузилган. Шундан 106 тасини ишчилар, 101 тасини хўжалик раҳбарлари, 330 тасини мутахассислар ва 25 тасини жамоат ташкилотлари раҳбарлари бошқаришмоқда. Ана шу рақамларнинг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Самарқанддаги тажриба-механика заводида меҳнат коллективи кенгаши биринчилардан бўлиб тузилганди. Уни 1986 йилдан буён ишлаб чиқариш илғори, газ пайвандловчиси В. Стенин бошқарябди. Бу корхонада кенгашнинг обрўси, мавқеи жуда катта. Ҳамма масалалар, муаммоларни ҳал этиш унинг зиммасида. Ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам кенгашда таҳлил этилмоқда. Масалан, кенгаш корхонани кузги-қишки даврга тайёрлаш, заводни хўжалик ҳисоби ва ўз харажатларини ўзи қоплаш усулига ўтказиш юзасидан завод директори В. Фурманов ҳамда бош инженер А. Планов ҳисоботларини эшитганини айтсак, фикримиз бир мунча ойдинлашади.

Албатта, меҳнат коллективи кенгаши фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан касаба союз ташкилотларига боғлиқ. Улар ўз тажрибалари асосида кенгаш ишини шакллантирмоқлари зарур. Областдаги цемент, «Кинап» заводлари, «8 Март» тикувчилик бирлашмаси касаба союз ташкилотлари кенгаш фаолиятини шакллантиришда иштирок этибгина қолмай, биргаликда иш юритишмоқда.

Айни пайтда меҳнат коллективи кенгашлари ва касаба союз комитетлари бир-бирларини такрорлаб қўйишмаяптими, деган савол туғилади. Бунинг олдини олиш мақсадида ҳамкорликдаги ҳаракат программалари белгиланмоқда. Масалан, Самарқанд электр тармоқлари корхонасидаги меҳнат коллективи кенгаши, маъмурият ва касаба союз комитети биргаликда тегишли вазифаларни белгилаб чиқишди. Ҳозир биз ана шу тажрибани ўрганиб, муҳокамага қўйдик. Агар кўпчилик шу йўлни, яъни вазифа, ҳуқуқларни ойдинлаштириб, алоҳида-алоҳида, лекин ҳамкорликда иш юритишни маъқул топса, унда ҳамма жойда шу усулга ўтамиз. Масалани касаба союзлари область Совети пленумида ҳам кўриб чиқдик.

Маълумки, Қонун асосида меҳнат коллективи кенгаши ишлаб чиқариш ва социал вазифалар ижросини таъминлашда, иш ҳақи, харажатлар, корхонани техник жиҳатдан қайта қуроллантириш каби масалаларда бевосита иштирок этиши шарт. Шунингдек, ошкоралик, демократия асосида хўжалик раҳбарларини сайлаш, кадрларни танлаш ҳам унинг вазифасига киритилган. Айрим кенгашлар муҳим масалалар билан шуғулланиш ўрнига майда-чуйда муаммоларга ўралашиб қолаётир. Устомон раҳбарлар ўз фикрини кенгаш орқали ўтказиши, ишчилар талабига беписанд қараш қоллари ҳам учрамоқда. Бунда сайланган ишчи фаолларининг Қонунни мукаммал билмасликлари уларга қўл келаётир. Натижада қайта-қайта сайловлар, муҳокамалар, мунозаралар, норозиликлар кўпаймоқда.

Шундай ҳоллар ҳам бўляптики, меҳнат коллективи кенгаши «қўли» билан жамоат ташкилотларини «жиловлаб» қўйишга ҳам уринишмоқда. 2531-автокорхонада меҳнат коллективи кенгаши касаба союз комитети раисининг ҳисоботини кун тартибига киритди. Ундан ишчиларнинг социал-маиший шароитини яхшилаши талаб этишди. Ваҳолонки, бу иш маъмурият гарданига юкланган, худди шу талабнинг бажарилишини касаба союз комитети кўриши керак эди.

Хўш, меҳнат коллективи кенгашлари аъзоларини ким ўқитиши ёки янги ишга, яъни корхонани бошқаришга ўргатиши керак? Биз ўтган йили кенгаш раислари ва аъзолари иштирокида ўқув ташкил этдик. Шундан сўнг, икки марта улар иштирокида баҳс, мунозара уюштирдик. Бунга хўжалик раҳбарлари ва ишлаб чиқариш пешқадамлари, партия, комсомол ташкилотлари секретарлари, касаба союз комитети раислари таклиф этилди. Натижада меҳнат кенгашларининг ташвиш ва муаммолари, ютуқ ва камчиликлари яққол кўзга ташланди. Айни пайтда қайтадан ўқув ўтказиш, умуман, уни анъанага айлантиришни (чунки ҳар сафар бир кишини сайлашмайди, кенгаш раислари, аъзолари ўзгариб туради) ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ҳар кун, ҳар соатда кенгашларнинг иши сустлигига дуч келяпмиз. Область статистика бошқармаси, бешинчи қурилиш трестининг 395-механизациялашган кўчма колоннаси, 2531-автокорхонада раҳбар сайловига бир неча бор бизнинг аралашувимизга, ғайриқонуний ҳаракатларга чек қўйишимизга тўғри келди. Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш бошқармаси, «Самарқандоблгаз» идораси ва бошқа бир қатор корхоналарда эса коллектив бошқаруви принциплари жиддий бузилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шунингдек, меҳнат коллективлари кенгашлари ишчилар шароити масаласида принципиаллик кўрсатмаётир. Масалан, 5-қурилиш-монтаж бошқармаси, 17-ғишт заводлари бошқармасида ана шу қолни кўриш мумкин. Биргина ўтган йили корхоналардаги бахтсиз ҳодисалар туфайли 28 киши ҳалок бўлганлигининг ўзи ҳам камчиликлар кўплигидан далолатдир. Бундан ташқари, касаллик варақалари туфайли ҳар куни ўртача 11 минг киши ишга чиқмаётгани касаба союз ташкилотлари, меҳнат коллективлари кенгашлари олдида нақадар катта социал вазифалар турганлигини кўрсатади. Ахир, биргина лифтсозлик заводида вақтинча ишга яроқсиз бўлганларнинг кўпчилигини шамоллаш хасталиги безовта қилаётгани нимадан дарак беради. Энг биринчи галда цехларда қишда ҳарорат пастлиги, ёзда елвизак кучлилиги оқибати бу.

Хуллас, замон корхонани коллектив бошқарсагина ишлар жиддий равишда юришажагини кўрсатмоқда. Аммо бунга тўла маънода эришувнинг ўзи бўлмайди. Меҳнат коллективи кенгаши ҳақиқий раҳбарлик ролини ўташи учун унинг раислари, аъзолари барча қонун-қоидалардан хабардор бўлишлари шарт. Зеро ҳуқуқий мамлакатда ҳар бир киши ўзи ва корхонаси обрўси, шани учун кураша оладиган даражада билимга эга бўлмоғи лозим. Партия XXVII съезди меҳнат коллективлари кенгашлари ишини шакллантиришни касаба союзлари олдига вазифа қилиб қўйди. Бу бир қадар йўлга қўйилган бўлса-да, ҳали олдинда қилинажак ишлар кўп.

М. ШОДИЕВА,
Самарқанд область касаба союзлари Советининг раиси.

НОВИЙ УЗЕНЬ: ҲАҚИҚАТ, АНИҚЛИК, ВАЗМИНЛИК КЕРАК

21 июнда Олмаотада марказий ва республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари иштирокида матбуот конференцияси бўлди. Новий Узендан яқиндагина қайтиб келган Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Р. Сагдиев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари У. Д. Жонибеков, республика прокурори Г. Б. Елемисов, Қозоғистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. М. Мирошник у ердаги тартибсизликлар хусусида ахборот бердилар ва саволларга жавоб қайтардилар.

Новий Узенда вазият бундай ривожланди. 16 июнь куни кечқурун танца майдончасида қозоқ ва лезгин миллатига мансуб ёшлар ўртасида мушт лашиш бошланди. Милиция ўз вақтида ҳаракат қилиб, мушт лашишни тўхтатиш учун зарур чораларни кўрди, можаро шу билан тугагандек эди. Бироқ ўша тунда одамлар миллатига қараб тўплана бошладилар, сўнгра уларнинг ўртасида тўқнашув бошланди, ана шу тўқнашувлар чоғида уч киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар жароҳатланди, жароҳат олганлар орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг 50 дан ортиқ ходимлари бор.

Тартибсизлик чоғида анчагина моддий зарар етказилди: 60 га яқин савдо ва маиший хизмат объектлари шикастланди, олтита автомобилга ўт қўйиб юборилди, вино-арақ магазини талаб кетилди, кўпгина маъмурий ва уй-жой бинолари, ётоқхоналарнинг ойналари синди. Бир қанча корхоналар ва муассасалар иши бироз вақт тўхтаб қолди.

Шаҳардаги ва унинг атрофидаги посёлкалардаги вазият ҳозир мураккаб, кўп жиҳатдан зиддиятли, деб таърифланди. Ғалаёнлар давом этмоқда. Турли миллатга мансуб одамлардан иборат бир-бирига қарши группаларнинг тўқнашувлари бўлмоқда. Бироқ Новий Узенда комендантлик соати жорий этилиши билан аҳвол нормал изга туша бошлади. Янги қурбонлар йўқ. Транспорт, саноат корхоналари, умумий овқатланиш корхоналари, шаҳарнинг нормал турмуши учун ҳаётий муҳим объектлар иш бошлади.

Сўзга чиққан кишилар ўткир можаро вужудга келишининг чуқур илдизларига тўхталиб, бу илдизлар турли миллатга мансуб йигитларнинг муштлашувида эмаслигини айтдилар. Ҳаммаси анча мураккаброқ. Биринчидан ва энг муҳими, тартибсизликлар шаҳарнинг социал-иқтисодий ривожланишидаги нуқсонлар натижасида келиб чиққан. Новий Узен ўнлаб йиллар давомида саноатга тобора кўпроқ ихтисослашиб ривожланди.

Социал инфраструктура эса ғоят қолоқлигича қолиб кетди: уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший хизмат корхоналари, маданият муассасалари, спорт иншоотлари мутлақо етишмасди, маҳаллий ўқув юртларини битирган йигит ва қизлар иш жойлари билан таъминланмасди. Бунинг устига тўпланиб қолган қийинчиликлар ва нуқсонлар заминида чайқовчилик авж олиб кетди, социал адолат принципларининг бузилиши, чунончи, навбатни четлаб ўтиб, таниш-билишларга квартира бериш одат тусига кириб қолди.

Сабабларнинг бошқа бир комплекси мафкуравий тусдадир. Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг ходимлари аслида бундай нуқсонларга кўникиб қолганлар, уларнинг баъзилари ҳатто ҳаром қўлли корчалонлар билан тил топишдилар. Ана шу жиҳатдан қараганда шаҳар раҳбарларининг тутган позициясини кечириб бўлмайди, улар Новий Узенда юз бераётган бузилишлар хусусида меҳнаткашлардан жуда кўп сигналлар ва шикоятлар тушаётганини билар эдилар, лекин аҳволни ўнглаш учун аниқ-равшан ҳеч иш қилмадилар. Бу ерда кабинетда, қоғоз билан иш олиб бориш услуби ҳукмрон эди. Шу сабабли вазиятнинг «етилиши», тартибсизликларнинг бошланиши вақтида шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети раҳбарлари вазиятнинг ривожланишини назорат қилиб туришни бутунлай қўлдан чиқариб юборганликлари мутлақо табиийдир.

Матбуот конференциясида Новий Узендаги вазиятнинг мураккаблиги бу ерда содир бўлаётган воқеаларнинг характери оммавий ахборот воситалари ходимларидан бу вазият ва воқеаларга вазминлик билан ёндашиш зарурлигини, энг муҳими эса — фактларни равшан, аниқ баён қилиб беришни тақозо этаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ерда шошма-шошарликка, айниқса, асосли хулосалар чиқаришда юзакичиликка йўл қўйиб бўлмайди.

(ТАСС—КазТАГ мухбири).

Бугун—Ихтирочи ва рационализаторлар куни

— Инқилобгача бўлган юз йил мобайнида бутун Россияда ихтирочилик бўйича жами 30 минг патент берилган экан. Тожиддин Алимович, шу рақамни бугунги Ўзбекистон мисолида қиёсий таҳлил қилиб берсангиз.

— Дарҳақиқат, техника ижодкорлиги тарихида шундай рақам бот-бот учраб туради. Бунда гап Россиянинг инқилобгача бўлган ижтимоий ҳаётида техника ижодкорлиги масалаларига эътиборсиз қаралгани ҳақида боради. Билишимча, 1812—1918 йилларда — 100 йилдан ҳам кўпроқ вақт ичида Россияда ихтирочилик ишлари учун атиги 30 мингтача патент берилган. Бу нима дегани? Бу — ўша муддатда Германияда берилган патентдан 10 баравар, Англияда берилганидан 15 марта, Америкадагидан 40 баравар оз дегани. Бошқа бир рақам манзарани янада ойдинлаштиради. Россияда 1913 йилда ҳужжатлаштирилган ихтироларнинг 70 процентдан кўпроғи хорижий мамлакатларда яратилган техника янгиликлари ҳиссасига тўғри келади.

Совет ҳокимияти даврида эса бутун мамлакат, жумладан Ўзбекистонда ҳам ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари ривожи учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Бунга Совет давлатининг ихтирочилик ишлари юзасидан дастлабки ҳуқуқий ҳужжати — В. И. Ленин томонидан 1919 йил 30 июнда имзоланган ихтирочилик ҳақидаги декрет асос бўлди. Шу декретга биноан мамлакатимизда ихтирочиларга шаҳодатномалар бериш қонунлаштирилди. Ўттиз минг рақамини бугунги Ўзбекистонга таққослаб кўрсак, беқиёс ўзгаришнинг гувоҳи бўламиз. Бунинг учун биргина рақамни идрок қилиш кифоя. Ўн иккинчи беш йиллик бошлангандан буён ўтган уч йил мобайнидагина Ўзбекистонда новаторлардан 190 минг рационализаторлик таклифи ва ихтирочиликка оид тақдимнома тушди. Бу кейинги вақтда республикамизда ҳар йили ўртача 63 мингтадан техника янгилиги расмийлаштирилаётганидан шоҳидлик бериб турибди.

— Ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатини рағбатлантириш ҳақида гап очдингиз. Қайта қуриш шарофати билан техника ижодкорлиги жабҳасида юз берган янгиликлар ҳақида нималар дея оласиз?

— XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси фан-техника тараққиётига таъсир кўрсатишнинг асосий йўналишларидан бири хўжалик механизмини қайта қуриш эканини алоҳида таъкидлади. Ихтирочи ва рационализаторлар жамияти системада. Бундай коллективлар иши ҳақида ҳозирданоқ қувонч билан гапириш мумкин.

Хўжалик шартномалари асосида катта иш қилинмоқда. Шартнома тартибида иш юритаётган ижодкорлар 40 тага яқин ихтиро ва 50 дан зиёд рационализаторлик таклифларини қисқа фурсатда халқ хўжалигига жорий этдилар. Жорий қилинган бу таклифлар 7,5 миллион сўм иқтисодий самара келтиради, деб ҳисобланмоқда.

— Булар-ку самара келтириши кутилаётган ишлар. Нақд ишлар, натижа берган ёки самара келтираётган ишлар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Боя айтганимдек, Ўзбекистонда сўнгги уч йилда қарийб 190 мингта рационализаторлик таклифи ва ихтиро учун тавсия тақдим этилди. Нақд самара ҳақида гап борганда, шу такдиф ва тавсияларнинг салкам 146 мингтасидан халқ хўжалиги ҳамда социал соҳада фойдаланилаётганини таъкидлаш мумкин. Уларни жорий этишдан ҳозиргинг ўзидаёқ 700 миллион сўмдан кўпроқ фойда олинди. Астойдил таҳлил этиб, чамалаганда бу — катта рақам!

Ана шу 700 миллион сўм новаторлар катта армиясининг ижодий куч-ғайратигина эмас, шу билан бирга жамиятимиз муттасил амалга ошираётган ташкилотчилик ва тарбиявий ишларнинг кўз билан кўриб, қўл билан тутиш мумкин бўлган нақд самараси ҳамдир.

Кейинги вақтда корхоналар, илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари мутахассисларидан 500 кишини колхоз-совхозларга оталиқ ёрдами кўрсатишга жалб этдик. Дастлабки натижа мана бундай: улар 1200 га яқин рационализаторлик таклифларини расмийлаштирдилар. 1000 дан ортиқ такдиф, 17 ихтиро жорий этилди. Шу йўл билан 90 миллион сўм иқтисодий тежамга эришилди. Оталиқ қилувчи мутахассислар 50 та ускуна ва механизм тайёрлаб бердилар.

— Ҳақиқатан фан-техника тараққиётига фидойиликнинг моддий ифодаси бу. Шу ишларга муносиб ҳисса қўшаётган техника тараққиёти байроқдорларидан қайсиларининг номларини алоҳида таъкидлашни лозим кўрасиз?

— Улар кўп, фаолият доиралари ҳам кўламли. Юксак самарали техника ечимларини ҳал этиб, халқ хўжалиги турли тармоқлари ривожланишига шахсий мадад кўрсатаётган, меҳнат унумдорлиги ортишига ўз ижодий меҳнати билан туртки бераётган, маҳсулот сифати яхшиланишида фидокорлик қилаётганлардан бирортасини алоҳида ажратиб кўрсатиш қийин. Техникавий билими, идроки, жафокашлиги билан маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришаётган, қўл меҳнатини қисқартиришга қодир ечимлар билимдонлари, ресурсларни иқтисод қилиш, тежаш йўлларини сўзда эмас, амалда рўёбга чиқараётган ихтирочи, рационализаторларнинг ўзи кўпчилик.

Сазангиз ўлмасин, кўпларнинг вакили сифатида республика «Ҳурмат китоби»га ёзилган техника ижодкорлиги байроқдорларининг исм, шарифларини айта қолай: Тошкент геология бирлашмаси Чотқол экспедицияси инженери Сотилжон Мамажонов, Қарши авиаотряди катта инженери Виктор Зеленский, Қўқон йигирув-тўқув фабрикаси ишлаб чиқариш бошлиғи Мирсодиқ Мирзаахмедов.

Ўтган йил социалистик мусобақаси якунларига кўра 65 новатор «Ихтирочилик ва рационализаторлик аълочиси» нишони билан тақдирланди. Хотин-қиз ижодкорлар орасидан 5 нафари ВОИР мукофоти лауреати бўлди. Бухоро области мамлакатда фан-техника тараққиётига энг кўп ҳисса қўшган областлар қаторидан ўрин олди. Фарғона область ихтирочи ва рационализаторлари республика мусобақасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлдилар. Тошкент области эса республика пул мукофоти билан тақдирланди.

Бироқ ҳамма ишлар кўнгилдагидек, дея айтолмайман. Камчилик ва нуқсонларимиз эса эмас. Жумладан, меҳнаткашлар жамоатчилигини техника ижодкорлигига кенгроқ жалб этиш ҳақидаги ҳукумат кўрсатмаси қониқарсиз бажарилмоқда. Техника ҳаваскорлиги клубларидан 213 таси тузилиши керак бўлгани ҳолда, ҳозир шундай клублардан атиги 50 таси фаолият кўрсатяпти. Бу ўринда маҳаллий органлар, область ижроия комитетлари бизга тегишли ёрдам бермаётирлар.

* * *

Билимдон ишчилар, донишманд деҳқонлар, зукко инженерлар-у, ҳисобдон техниклар даврасида қилни қирққа ёрадиганлари оз эмас. Улар қалб кўрлари-ю, билим ҳамда маҳоратларини ихтирочилик, рационализаторликка бахшида этиб, ўз лаёқатларини амалда намоён этмоқдалар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ЕТУКЛИК МАДАДИ

СУҲБАТДОШИМИЗ — БУТУНИТТИФОҚ ИХТИРОЧИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ РАИСИ Т. АЛИМОВ

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ АСОСИДА

Андижон области. 162-трестга қарашли область қурилиш бошқармаси коллективи кейинги йилларда кўплаб уй-жойларни фойдаланишга топширди. Айниқса, Виктор Царев бошлиқ комплекс бригада аъзолари шаҳарнинг аҳолиси зич яшайдиган микрорайонида икки минг ўринли янги мактаб ва болалар боғчаси биноларини тезкорлик билан бунёд этмоқда.

Шунисн диққатга сазоворки, бригада коллективи 1987 йилдан бошлаб тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишламоқда. Ишчилар сони беш кишига қисқарди. Меҳнат унумдорлиги ўсиши натижасида одамларнинг моддий манфаатдорлиги ортди.

Меҳнатни ташкил этишнинг янги усули ҳар бир ишчининг пировард натижа учун қизиқишини кучайтирди. Барча объектлар ўз вақтида, юқори сифатли қилиб фойдаланишга топширилмоқда. Ишчиларнинг маоши анча кўпайди. Бригада аъзоларидан тўрт киши янги квартираларнинг калитини олди. Ўн кишн эса яхши ишлагани учун рағбатлантириш сифатида марказий курортларга йўлланма билан тақдирланди.

Бригадада ҳаммаси бўлиб ўттиз киши ишлайди. Турли миллат вакиллари аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан умумий ишга ҳисса қўшаётирлар. Улар зарур бўлганда бир-бирларига ҳамиша ёрдам берадилар. Бу коллектив эришаётган юқори натижаларда ўз аксини топмоқда.

Мана бугун ҳам бинокорлар ҳамкорликда ишламоқдалар. Бригада аъзоларидан электр-пайвандчи Бозорбой Алиҳонов ва монтажчи Баҳодир Сулаймонов ҳамкорликда бунёдкорлик ишларини амалга ошираётирлар.

Р. АШУРОВ сурати (ЎзТАГ).

ПЛЕНУМ БЎЛДИ

ОЛМАОТА, 22 июнь. (ТАСС). Бугун Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум Г. В. Колбин СССР Халқ контроли комитетининг раиси этиб сайланганлиги муносабати билан уни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаб келган Н. А. Назарбоев Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари В. М. Чебриков нутқ сўзлади.

СЕССИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

БОКУ, 22 июнь. (ТАСС). Бугун Озарбайжон ССР Олий Советининг сессияси бўлди. Сессия С. Б. Татлиев пенсияга чиқиши муносабати билан уни ўз илтимосига биноан Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилди.

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Э. М. Кафарова Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланди.

Сессия СССР Министрлар Советининг доимий истиқомат жойларини тарк этган гражданларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги докладни муҳокама қилди.

Сессияда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Х. Везиров нутқ сўзлади.

(ТАСС).

ЭФИР ТЎЛҚИНЛАРИДА ТАРТИБ БЎЛАДИ

Сўнгги вақтларда ҳеч қандай реал асосга эга бўлмаган турли-туман шов-шувларнинг тарқалиши республика аҳолиси орасида муайян даражада ташвиш туғдирмоқда. Айни вақтда баъзи миш-мишларнинг асл моҳияти ғиғолгарлик тусини олмоқда.

Жумладан, республика территориясида гўёки Фарғона областидаги воқеаларга алоқадор бўлган бутун бир яширин радиостанциялар тармоғи ишлаб турган эмиш, деган ўйдирмалар пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, кейинги бир неча кун мобайнида ҳуқуқ-тартибот органлари рўйхатга олинмаган қўлбола радиоэшиттириш қурилмаларидан фойдаланган неча ўнлаб ёшларни аниқлади. Бошқача қилиб айтганда, анчадан бери маълум бўлган «радиобезорилар» қўлга тушди. Уларнинг ўзаро суҳбатлари кўпинча кундалик турмуш ҳақида бўлиб, масалан қаерда учрашишлари ҳақида келишиб олишлар, об-ҳаво ҳақидаги, таниш-билишлари ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашишар ва ўз-ўзидан равшанки, Фарғона воқеалари ҳақида ҳам гап борарди. Бу, айтиш мумкинки, «тўполончиларнинг яширин радиотармоғи» ҳақида ҳар қандай уйдирмаларни келтириб чиқарган бўлса керак.

«Радиобезорилар» кеча ва ҳатто бундан бир йил илгари пайдо бўлганлари йўқ. «Моҳир қўллар» сафидан бўлган баъзи ёшлар рўзғор радиотехникасига қўлбола қўшимчалар ясашга аллақачоноқ ўрганиб олганлар, бу эса уларга ўрта тўлқиндаги диапазонда эфирга чиқишга имкон беради. Бундай «ҳунармандлар»нинг фаолияти бир қарашда унчалик зарарли эмасга ўхшаб туюлади. Аслида ундай эмас. Улар ўз «техникаларининг» кам қувватли бўлишига қарамай, эфир тўлқинларида жиддий халақит беришади, ҳаво кемалари, радиолокация станциялари, ҳарбий ва идоралар радиостанциялари радиовоситаларини ишига тўсқинлик қилишади. Уларнинг эфирга чиқиши оқибатида кўпинча ҳавода авария ҳолатлари пайдо бўлган, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган авиаҳалокатлар хавфи туғилган, муҳим халқ хўжалик корхоналари ўртасидаги радиоалоқани бузган, булар ҳам жиддий авариялларга олиб келиши ва катта моддий зиён етказиши мумкин эди.

Радиоалоқа режимининг бундай бузилишига қарши туриш учун Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ҳузурида қонунга хилоф равишда амал қилаётган узатувчи қурилмаларга қарши курашувчи идоралараро республика комиссияси ишлаб турибди. Комиссияга алоқачи мутахассислар билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, турли идоралар ва муассасаларнинг вакиллари, Ўзбекистон ССР ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Давлат хавфсизлиги комитетининг масъул ходимлари кирганлар. Мазкур комиссия ва унинг хизмат идоралари ихтиёрида ғайриқонуний равишда фойдаланилаётган узатувчи радиоқурилмаларни ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган зарур техникавий воситалар бор.

Фарғона водийсида юзага келган мураккаб ва кескин вазиятда радиобезориларнинг хатти-ҳаракатларига айниқса тоқат қилиш мумкин бўлмай қолди — чунки улар ҳарбий радиостанциялар ишига, ички ишлар, давлат хавфсизлиги органлари ходимларининг алоқа воситаларига тўсқинлик қила бошладилар. Шунинг учун ҳам идоралараро республика комиссияси эфир тартиббузарларини тезроқ аниқлашга қаттиқ эътибор берди, прокуратура ва ички ишлар органлари эса уларга ўтган ва ҳозирги кунларда ишлатилаётган радиовоситаларини зудлик билан тортиб олишга ва ана шу сохта усталарни маъмурий жавобгарликка тортишга ҳаракат қилдилар. 13 июндан 22 июнгача бўлган даврда Фарғона области территориясида 50 нафар радиобезори борлиги аниқланди, уларнинг 44 нафарига маъмурий жазо берилди, ўзлари ясаб олган радиоаппаратлар мусодара қилинди. Бунинг натижасида Марғилондаги кооперативлардан бирининг ишчиси 22 ёшли Ш. Мавлоновнинг «Шахзода» номи билан Бағдод районида яшовчи, вақтинчалик ишламаётган 20 ёшли А. Н. Тошматовнинг «Раис» деб аталувчи, шунингдек қўқонлик 19 ёшли ҳеч қаерда ишламайдиган йигит А. Тўйчибоевнинг «Ёшлик» деб аталувчи, қўқонлик 20 ёшли йигитнинг «Феруза» деб аталувчи позивнойлари эфир тўлқинларига чиқмайдиган бўлди. Фарғоналик Т. Т. Аҳмедов, марғилонлик К. К. Собиров ва бошқа радиобезориларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам тўхтатилди. «Эфир қароқчилари» қилмишларининг пайини қирқиш ишлари бундан кейин ҳам давом эттирилади.

В. Ф. АНТОНОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари, ғайриқонуний ишлаётган узатувчи қурилмаларга қарши кураш идоралараро республика комиссиясининг аъзоси.

• ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК–ТУРМУШ ТАРЗИМИЗ •

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Фарғона областида вазиятни нормаллаштиришда партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотларига СССР Ички ишлар министрлигининг олий мактаби катта ўқитувчиси, ҳуқуқшунослик фанлари кандидати, милиция капитани Александр Листков ва Бағдод район партия комитети идеология бўлими мудирининг ўринбосари Каримжон Акбаров райондаги эксперименталь мебель фабрикаси коллективи аъзолари билан суҳбатлашишмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

ҲЕЧ КИМ КУЛФАТДА ҚОЛМАЙДИ

Фарғона областининг бир қанча аҳоли пунктларида юз берган тартибсизликлар ва фожеали воқеалар республикамиз меҳнаткашлари қатори қашқадарёликларни ҳам қайғуга солмоқда. Улар бундай воқеалар энди бошқа такрорланмаслиги, турли миллат ва элатлар фарзандларининг тинч ва иноқ яшашлари зарурлигини таъкидламоқдалар.

Областнинг месхети турклари яшайдиган Китоб ва Шаҳрисабз районларида, бошқа шаҳар ва қишлоқларида турли миллат вакилларининг тотув яшашлари ва меҳнат қилишларини таъминлаш учун муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Фарғонадаги воқеалардан кейин Китоб районида ҳар хил асоссиз миш-мишлар тарқалди. Шу сабабли месхети турк миллатига мансуб аҳолининг осойишталиги бузилган эди. Район партия комитетида аҳволни барқарор сақлаш мақсадида махсус штаб тузилди.

— Биз миллатлараро муносабатларни нормал сақлаш ҳаракатидамиз, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Комил Амиров. — Район марказидаги месхети турклари истиқомат қилаётган 6 та маҳаллада ҳам тунги навбатчилик группалари ташкил этилди. Райком бюросининг аъзолари, депутатлар, оқсоқол ветеранлар бевосита аҳоли ўртасида бўлиб кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Шунга қарамай, ивгоарлик билан тарқатилган миш-мишларга ишонган айрим месхети туркларининг республикадан ташқарига чиқиб кетмоқдалар. Бироқ турк аҳолисининг асосий қисми аввалгидек ўзбек, татар, рус ва бошқа миллатларни ўз қариндошларидек билиб аҳил ва тинч меҳнат қилишда давом этмоқдалар. Улар ишлаётган корхона ва муассасаларда меҳнат маромини бир текис бормоқда.

Биз Китоб районидаги месхети турклари яшайдиган ва ишлаётган бир қатор маҳаллаларда, муассаса ва корхоналарда бўлиб, турк миллатига мансуб кишилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг дил сўзлари қуйидагича:

Гўзал ҲОШИМОВА, Ульянов номли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси: — Мен асли грузиялик бўлсам ҳам Ўзбекистонда вояга етдим. Шу ерда ўқиб, олий маълумот олдим. Меҳнат фаолиятимни ҳам мана шу диёрда бошладим. 25 йилдан бери ўғил ва қизларга бошланғич таълимдан сабоқ беряпман. Шу давр ичида неча юзлаб болакайларга ҳарф танитдим, ўқиш ва ёзишни ўргатдим.

Турмуш ўртоғим Исфанди Заутадзе 76-автобазада слесарь бўлиб ишламоқда. Икки нафар ўғил ва қизимиз шу ерда вояга етдилар. Қизим Ноэлия бу йил Шаҳрисабз медицина билим юртини битиряпти. Ўғлим Бахтиёр 10-синфни тугатмоқда. Оила аъзоларимиз ҳам, ота-оналаримиз ҳам Собир Рамҳимов номли маҳаллада ўзбеклар билан қўшни бўлиб, аҳил ва иноқ яшаб келмоқдамиз. Менга катта ўқитувчи унвонини беришган. Шаҳар халқ маорифи бўлими қошидаги бошланғич синфлар бўйича методик секция раҳбариман. Оиламизнинг бу ердан ҳеч қаёққа кетиш нияти йўқ.

Ризо ИБРАГИМОВ, Шредер номли Қарши мевали кўчатлар етиштирувчи совхозининг Китоб филиали ишчиси, шаҳар интернационалчи-жангчилар Совети Раиси: 80-йиллар бошларида Афғонистонда интернационал бурчимни ўтаганман. Бир қанча жанговар операцияларда қатнашдим. Шу жиҳатдан уруш нималигини, у одамлар бошига қандай кулфатлар келтиришини яхши биламан. Фарғонадаги воқеаларни эшитиб кўнглим жунбушга келди. Бу ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг иши эмас. Жанжалкашлар тўдасининг ножўя қилмиши.

Ҳар хил миш-мишлар, асоссиз гап-сўзлар бизни чўчитолмайди. Мен бағри кенг ўзбек халқига дўстларимга, оға-иниларим ва ўзимга ишонгандай ишонаман, турли миллат вакилларига ғамхўрлик қилаётган партия ва ҳукуматимизга ишонаман.

Ўзбекистон қалбим қўри тўкилган азиз юртим, десам хато қилмайман. Бутун орзуларим шу ерда амалга ошяпти. Бошлаб қўйган хайрли ишларим кўп. Китобда Улуғ Ватан урушида мардларча ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ёнида 360 дан зиёд ҳамшаҳар интернационалчи-жангчилар шарафига шон-шуҳрат музейи ташкил қиляпмиз. Бундан ташқари, партия аъзолигига ўтишга тайёрланяпман. Турмуш ўртоғим Гулнора Айбинова ҳам оддий ишчи, тикувчи бўлиб ишлайди. Икки нафар фарзандимиз бор. Улар «Шодлик» болалар боғчасида тарбияланишади.

Мен миш-мишларга ишонмасликни маҳалла аҳлига, отам Бенали Ибрагимов, онам Соня Мусаевага ҳам тушунтиряпман. Маҳаллада жамоатчилик орасида ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб бориляпти. Аммо одамлар ҳамон хавотирда. Назаримда оммавий-сиёсий ишлар талаб даражасида ташкил этилмагандай туюлади. Район ва область раҳбарлари турклар билан суҳбатлашяптилар-у, маҳалла оқсоқоллари, ерли халқ, айниқса ёшлар дилига қўл сололмаяптилар. Бу ҳам қандайдир шубҳа туғдиради. Шунинг учун бўлса керак, филиалимизда ишлайдиган 17 нафар турк ишга чиқмай қўйди.

Бенали ҚОДИРОВ, — Китоб халқ истеъмоли буюмлари фабрикасининг кулолчилик цехи бригада бошлиғи: — Тўрт йилдан бери қулолчилик билан шуғулланаман. Цехимизда тайёрланаётган бежирим коса, шокоса, лаган, гултувак, тарелка каби уйрўзғор буюмлари ҳаммага манзур. Турмуш ўртоғим Назира ҳам ишчи.

Биз яшайдиган Хиромий маҳалласи одамлари шундай меҳрибон ва одамохунки, Фарғонадаги воқеалар рўй берган кунлари улар туркларга, жумладан бизнинг оила аъзоларимизга анча тасалли беришди. Кўчиб кетамиз, деб отланганларни қайтарганлар ҳам бўлди. Тўғри, воқеа содир бўлган кунларда элдошларимизнинг осойишталиги йўқолганди. Одамлар телевидение орқали КПСС Марказий Қомитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг нутқини тинглаганларидан кейингина шаштларидан анча қайтдилар. Шов-шувлар босилгандай бўлди. Менга қолса, ҳеч қаерга кўчиб кетиш ниятим йўқ. Қайфиятим яхши. Бригадам аъзолари билан шу йилнинг олти ойлик топшириғини 102 процент қилиб бажардик. Бундан кейин ҳам ишни бўшаштирмаймиз.

...Месхети турк миллатига мансуб кишиларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, уларнинг ўзбек халқи ва бошқа миллат вакилларига иззат-ҳурмати, меҳр-оқибати сўнмагани сезилиб турди. Бироқ баъзи кишилар шов-шувларга ишониб, саросимага тушяптилар. Иш жойларига ариза бермоқдалар. Одамларнинг турли ғиғоларга ишониб, иссиқ жойларини совутаётганликлари кишилар ўртасида тушунтириш ишлари ҳали ҳам бўш эканлигини кўрсатяпти.

Биз ушбу савол билан область партия комитетининг иккинчи секретари М. С. Солдатовга мурожаат қилдик.

— Албатта, месхети туркларининг кўчиб кетиши бизга ҳам маъқул эмас, — деди М. С. Солдатов. — Уларга ҳеч ким бирон нарса дегани йўқ. Ўзларича хавотир олиб гражданлик ҳужжатларини ҳисобдан чиқариб кетишяпти. Менимча, Фарғона областида юз берган воқеаларнинг чуқур социал илдизи бор. Бундай муаммолар бизнинг областда ҳам учрайди. Тўғри, ёшлар тарбияси ҳам кўнгилдагидек деёлмаймиз. Шунга кўра мутасадди ташкилотлар, хўжалик органлари эътиборини ҳамма жойда ва ҳар бир коллективда социал-иқтисодий ривожланиш планларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга қаратяпмиз.

Жойлардаги партия ташкилотлари аҳоли истиқомат жойларида, айниқса месхети турклари яшайдиган маҳаллаларда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни тубдан яхшилашлари, бу соҳадаги камчиликларни зудлик билан тугатмоқлари керак.

Область партия комитети яқинда ташкил этган «Билим» жамияти аъзолари, олимлар, ветеранлар, хотин-қизлар кенгашлари вакилларидан иборат пропагандист ва лекторлар группаларини шаҳар ва районларда иш бошлаб юборишди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш масаласи область партия, хўжалик активи йиғилишида ҳам чуқур муҳокама қилинди. Ёшлар тарбияси, уларни ишга жойлаштириш, миллий масалалар билан боғлиқ ечимини кутаётган муаммолар бўйича конкрет фикрлар ўртага ташланди. Ҳозир ҳамма жойда шаҳар ва район партия хўжалик активлари йиғилишлари ўтказилиб муҳим тадбирлар белгиланмоқда. Ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш, СССР бизнинг умумий хонадонимиз эканлигини ҳар бир киши онгига чуқур сингдириш ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилотининг шу кунги муҳим вазифаси қилиб қўйилмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АҚЛ БОВАР ҚИЛМАЙДИ

1952—1963 йилларда Фарғона область партия комитети иккинчи секретари вазифасида ишладим. Бу давр ичида областда бормаган жойим қолмаган. Ҳамма ерда очиқ кўнгил, самимий, меҳмоннавоз кишиларни учратганман. Уларнинг ажойиб, инсоний фазилатларига тан берганман. Қувонч ва ташвишларимни улар билан бўлишганман. Бирор тўй ёки маъракага бизсиз ўтган эмас эди. Ҳеч қачон бу ерда миллат ажратишганини, бу турк, бу рус деган гапнинг ўзи йўқ эди. Фарғонада юз берган воқеаларга ақлим бовар қилмайди. Бу воқеалардан мен ҳам, оилам ҳам қаттиқ изтироб чекдик, ҳаяжонга тушдик.

Ўйлайманки, тегишли ташкилотлар бу воқеаларнинг келиб чиқиш илдизини синчиклаб ўрганиб, ишни зудлик билан охирига етказадилар. Бизни қийнаётган саволларга тезроқ жавоб топишади деб умид қиламиз.

Г. И. СКОРОБОГАТОВ,
Уруш ва меҳнат ветеранлари республика Совети раиси ўринбосари.

ТОТУВЛИК

Ўзбеклар — азалдан аҳил, дўстларга меҳрибон, ҳамиятли халқ. Фарғонадаги каби воқеа содир бўлишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган эди. Бу фожианинг ташаббускорлари дайди, ишёқмас, катталар ва тенгдошларнинг маслаҳатларини менсимайдиганлар бўлиши керак.

Коллективимизда қорақалпоқ, ўзбек, рус, қозоқ, украин, озарбайжон, татар,, бошқирд каби ўн икки миллат вакиллари ишлашади. Заводимиз директори қорақалпоқ, партия ташкилоти секретари озарбайжон, касаба союз комитети раиси корейс, меҳнат коллективи кенгаши раиси рус, бош механик қозоқ.

Улар биргаликда дам олишади, экскурсияларга боришади. Тотувлик туфайли ишимизда ҳам унум бўляпти. Шунинг учун ҳам заводимиз шаҳардаги корхоналар орасида социалистик мусобақада ҳамиша олдинда бормоқда.

Заводимизда асосан экскаватор, трактор, двигателлар ремонт қилинади. Металл конструкциялари ишлаб чиқарилади. Ўтган беш ойда маҳсулот тайёрлаш ва реализация планлари ошириб бажарилди. Фан-техника тараққиёти ютуқларига амал қилиш туфайли меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг беш ойига нисбатан 7 процентга ўсди. Маҳсулот таннархи анча арзонлашди. Шу ҳисобдан 355 минг сўм соф фойда олишга эришдик.

Корхона коллективи ҳамкор, ҳамжиҳатлик билан ишлаб, йиллик план ва топшириқларни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар.

А. ЖАЛИЛОВ,
Нукус тажриба механика заводи ремонт цехи слесари, партия ташкилоти секретари.

• *Саволингизга жавоб берамиз*

ИНТЕРНАЦИОНАЛЧИ-ЖАНГЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

«Биз ўз йигитлик бурчимизни Совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган контингентида турли йилларда ўтаб қайтганимиздан сўнг ҳарбий комиссариатдан тегишли гувоҳномани олдик. Баъзи бир нарсаларни ҳисобга олмаганда интернационалчи-жангчилар қандай имтиёзга эга эканликлари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз...

Ака-ука Собир ва Суннат АБДУСАЛИМОВЛАР
Тошкент шаҳри».

Интернационалчи-жангчиларни қизиқтираётган ана шу саволга республика ҳарбий комиссариати катта инструктори В. В. Болабан қуйидагича жавоб берди:

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига тенглаштирилган интернационалчи-жангчиларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг қароридан келиб чиққан ҳолда белгиланган ва кейинги йилларда турли қўшимчалар билан бойитилган. Бу ҳуқуқ ва имтиёзлар шулардан иборатки, ўзларининг хизмат бурчларини тугатиб қайтганлар уй-жой билан биринчи навбатда таъминланишга ҳақлидирлар. Хизмат бурчини бажараётиб, яраланган, контузия бўлган ёки касаллик оқибатида ногирон бўлиб қолган 2 группа инвалидлари эса навбатдан ташқари уй-жой билан таъминланадилар. Шунингдек, интернационалчи-жангчилар шахсий уй-жой қуришлари учун давлатдан 3 минг сўмгача процентсиз ссуда олишлари мумкин. Бу қарзни улар уй-жойларини қуриб битказганларининг бешинчи йилидан тўлай бошлайдилар. Шунингдек улар медицина кўрсатмасига биноан давлат томонидан бепул протез ўрнатишлари мумкин, қўл билан бошқариладиган «Запорожец» автомашиналари билан таъминланадилар.

Хизмат жараёнида яраланган, контузия бўлган ёки касалланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган интернационалчи-жангчилар йилига бир маротаба 50 фоиз нархда (бориш-келиш) темир йўлдан фойдалана оладилар. Темир йўл йўқ жойларда эса сув, ҳаво ёки шаҳарлараро қатнайдиган транспортлардан фойдаланишда ҳам йилига бир маротаба ана шундай имтиёз берилади. I ёки II группа ногиронлари эса ана шу транспортларнинг у ёки бу туридан йилига бир маротаба текинга фойдаланиш (бориш-келиш)га ҳақли.

Интернационалчи-жанг ч и л а р олий ёки ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинишлари мумкин. Меҳнат отпускаларини ўзларига қулай бўлган вақтда олишлари ва ойлик иш ҳақларини сақлаб қолган ҳолда қўшимча дам олиш отпускаларини яна икки ҳафтага узайтиришлари мумкин. Иш жойларидан дам олиш уйлари, санаторий-профилакторийларга йўлланмалар билан таъминланиб турилади.

Афғонистондан ногирон бўлиб қайтган студентларга ойига 100 сўм миқдорида махсус стипендия белгиланади.

Агар улар тўлиқ давлат таъминотида бўлсалар, у ҳолда олий ўқув юртлари студентлари 40 сўм миқдорида, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари эса 30 сўм миқдорида пул билан таъминланади. Ҳалок бўлганларнинг оналари ва беваларига ўз боқувчисини йўқотганлиги учун 50 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилади. Эри ҳалок бўлганларга 50 ёшга тўлгунига қадар қўшимча тарзда пенсия берилади. Меҳнат қобилиятини йўқотган ота-оналарига ҳам нафақа белгиланади. Ҳалок бўлганларнинг фарзандлари ўрта мактаб ва олий ўқув юртларини битиргунларига (23 ёшга тўлгунларига) қадар давлат томонидан нафақа билан таъминлаб турилиши кўзда тутилган. Муҳтож оилалар уй-жой билан таъминланишда ҳам имтиёзга эга

М. КОЗИЕВ ёзиб олди.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

БУХОРО ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Қоракўл районда яшовчи А. Шодиевнинг «Бухараремзавод» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бўлинмаларда салбий ҳодисаларга йўл қўйилаётганлиги тўғрисидаги хати район агросаноат бирлашмаси кенгаши томонидан ўрганилди.

Хатда кўрсатилган фактлар тўғри. Совхоз кучи билан 1987 йилда 400 ўринли клуб ва ҳаммом қурилиши бошлаб юборилган. Бу объектлар 1989 йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилади. Хўжаликлараро қурилиш кенгаши совхозда ёзги кинотеатр, уй-жой бинолари, болалар боғчаси ва магазин қурилишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари совхоз территориясида турли маданий ва маиший объектлар қурилишини кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу ишлари 1991 йилда хўжалик планига киритиш мўлжалланяпти.

совхози территориясида яшовчи М. Эҳсоновнинг хўжаликда маданий-маиший, маданият уйи ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш нуқталари йўқлиги тўғрисидаги хати район агросаноат бирлашмаси кенгаши томонидан ўрганилди.

Хатда кўрсатилган фактлар тўғри. Совхоз кучи билан 1987 йилда 400 ўринли клуб ва ҳаммом қурилиши бошлаб юборилган. Бу объектлар 1989 йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилади. Хўжаликлараро қурилиш кенгаши совхозда ёзги кинотеатр, уй-жой бинолари, болалар боғчаси ва магазин қурилишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари совхоз территориясида турли маданий ва маиший объектлар қурилишини кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу ишлари 1991 йилда хўжалик планига киритиш мўлжалланяпти.

• ГАЗЕТХОН МАСАЛА ҚЎЯДИ •

МАНФААТДОРЛИК ЙЎЛИ

Ўқув юртлари ўз фаолиятларига қайта қуриш нуқтаи назари билан қараш, давр талабига бевосита жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш жараёнини амалга оширмоқдалар. Бу муаммо маданий-оқартув муассасаларига кадрлар етказиб берувчи ўқув юртлари олдида ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Республикамизда маданий-оқартув муассасаларига кадрлар тайёрлашнинг мукаммал системаси ишлаб чиқилмагани сабабли бу соҳадаги ўқув юртларида бирбирини такрорлайдиган йўналишдаги мутахассислар тайёрланмоқда. Иккинчидан, маданий-оқартув муассасалари учун кадрлар тайёрлаш масалаларини тилга олар эканмиз, шу билан бирга мутахассисларни келгусидаги меҳнат ва ижтимоий фаоллигини таъминлаш устида ҳам тўхташга тўғри келади. Нетаки, ўқув юртларидаги мутахассислар рўйхатига назар ташласак, улар билан маданий-оқартув муассасаларидаги мавжуд штатлар ўртасида боғлиқлик ниҳоятда камлигининг гувоҳи бўламиз. Демоқчимизки, бу ўқув юртлари халқ хўжалигига бевосита керак бўлган мутахассисларни ҳали етказиб бермаяпти. Жумладан, маданий-оқартув билим юртларида, «Техника ҳаваскорлиги ижодиётини уюштирувчилар», «Экскурсия ва ҳаваскорлик туризми ташкилотчилари», «Болалар ва ўсмирлар клуби методистлари», «Автоклуб мудирлари», «Колхоз раиси ва совхоз директорларининг маданий ишлари бўйича ўринбосарлари» «Янги урф-одатлар ва байрамлар ташкилотчилари» деган янги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш замон талабидир.

Меҳнаткашларнинг техника ижодиётига бўлган қизиқишларининг ўсиб бориши келгусида республикамизда клуб муассасаларининг янги шакли — техника ва маданият уйлари ташкил топишига олиб келиши, шубҳасиз. Бир сўз билан айтганда, бўлғуси маданий-оқартув билим юртларида техника ижодиётини уюштирувчи мутахассислар тайёрлаш зарурдир. Шунингдек, болалар ва ўсмирлар клуби учун методистлар тайёрлаш ҳам муҳим вазифадир.

Ҳозирги кунда республикамизда 36 та давлат қарамоғидаги ва 1200 дан зиёд колхоз, совхоз, жамоат ташкилотларига қарашли музейлар мавжуд. Бу муассасаларда Коммунистик партия ва Совет давлати тарихига оид бебаҳо материаллар сақланади. Аммо кейинги пайтларда кишиларнинг музейларга қатнаши камайиб кетганини пайқаш қийин эмас. Фикримизча музейлар фаолиятини тубдан қайта қуриш пайти келди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси томонидан ташкил қилинган халқ байрамлари ҳамда маросимларни тиклаш муаммолари юзасидан тузилган ишчи группалари ўз навбатида маданий-оқартув ишларини тубдан қайта қуриш лозимлигини кун тартибига қўйди. Бу эса маданий-оқартув муассасаларга кадр етказиб берувчи ўқув юртлари фаолиятида жиддий ўзгаришлар қилишга олиб келиши, шубҳасиз. Чунончи, бу ўқув юртларида совет байрамлари, янги урф-одат ва анъаналарни пропаганда қилувчи мутахассислар тайёрловчи мустақил бўлим очилиши лозим.

Республикамизда ҳар йили 15 мингдан ошиқ никоҳ, 670 мингга яқин бешик тўйлари, 120 дан зиёд умумхалқ характеридаги анъанавий ва оммавий байрамлар, ўрта ҳисобда 20 минг та юбилей, кўча ва ҳовли тўйлари, социалистик мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимлари ўтказилади. Партия ва ҳукуматимизнинг алкоголизмга қарши чиқарган махсус қароридан кейин байрам ва маросимларни юқори бадиий-эстетик савияда ўтказиш зарурлиги янада яққол бўлиб қолди. Бу вазифа ўз-ўзидан совет байрамларини, янги урф-одатларни тарғиб қилиш бўйича махсус мутахассислар тайёрлашни кун тартибига қўяди.

Шундай йўналишлардан бири, мутахассислар фикрича, маданий-оқартув техникумлари, Тошкент Давлат маданият институтида ўқиш жараёнини тўла хўжалик ҳисобига ўтказишдан иборат. Гап мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш масаласи ҳақида кетаётган экан, хўжалик ҳисоби принциплари олий ўқув юртлари ва техникумлар ҳисобига тушаётган маблағ билан эмас, балки маданий-оқартув ходимларига бевосита эҳтиёж сезадиган ташкилотлар ва муассасалар ҳисобидан бўлмоги кераклиги ҳақида кетмоқда. Бошқача айтганда, маблағ билан таъминлаш вазифасини область ижроия комитети маданият бошқармалари, республика касаба союзлари Советининг оммавий-маданий ишлар бўйича бўлимлари, шунингдек, бошқа манфаатдор ташкилотлар ўз зиммасига олади.

Маданий-оқартув ўқув юртларида кадрлар тайёрлашнинг хўжалик ҳисоби шаклларини қандай ташкил этиш мумкин? Дейлик ўқув юртларидан бири хўжалик ҳисобига ўтказилди. XII беш йилликда бадиий ҳаваскорлик учун методист-ташкилотчи йўналиши бўйича 250 та дипломли мутахассис тайёрлаб бериш ҳақида социал буюртма олди. Шунча мутахассисни тайёрлаш учун ўқув юрти ўрта ҳисобда 750 минг сўм маблағ сарфлайди. Область маданият бошқармаси барча сарф-харажатларни ўқув юрти ҳисоб дафтарчасига ўтказади. Бунинг учун область маданият бошқармаси, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ихтиёрларида махсус фондлар мавжуд. Давлат корхоналари (бирлашмалари) ҳақидаги Қонун қоидаларига кўра, олий ўқув юртида тайёрланган мутахассис учун корхона тегишли миқдорда ҳақ тўлайди. Касаба союз комитетлари ўз ихтиёридаги ҳисобидан ҳар йили олий маданият ўқув юртларига ва маданий-оқартув ўқув юртларига 2 мингга қадар кишини ўқишга йўллаши мумкин.

Ўқув юртларининг хўжалик ҳисобига ўтиши район ва областларни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани асосида рўёбга чиқарилиш лозим. Бу планнинг асосини буюртмачи-истеъмолчи белгилайди. Масаланинг шу тахлит қўйилишидан маданий-оқартув муассасалари шохобчалари ютади, холос. Кадрларни тайёрлаш жараёнида ҳар икки томон (ўқув ва буюртмачи) бирбири олдида масъулият ҳис этади. Бу кадрларни тайёрлаш ўқув юртининг муқаддас бурчи, уларнинг тақдири эса, тегишли ташкилотларнинг изми-ихтиёрида, деган ақидага барҳам беради. Шундай иш тутилса, ўқув юртлари малакали мутахассислар тайёрлашни илмий жиҳатдан асосланган йўлларини қидиришдан манфаатдор бўлишади. Буюртмачи-истеъмолчи эса ўз навбатида дипломли мутахассислардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш кафолатини зиммаларига олишга мажбур бўладилар.

А. РЎЗМЕТОВ,
Тошкент Давлат маданият институти доценти, педагогика фанлари кандидати.

ОИЛАВИЙ ФЕРМА

Бутун умр чорвадорлик билан шуғулланган Саид Сафаров пенсияга чиққан бўлса ҳам бекор ўтиришни ёқтирмайди. КПСС Марказий Комитети март Пленумидан кейин у озиқ-овқат муаммосини тезроқ ҳал қилишга самарали ҳисса қўшиш мақсадида ўз хонадонида ферма хўжалиги ташкил қилишга аҳд қилди. Когон район «Коммунизм» колхози правлениеси унинг бу қарорини қўллаб қувватлади.

Отахон Қозоғистон ССР Чимкент областидаги ихтисослашган кооперативдан нақд пулга ўн бош зотли буқа, саккиз сигир ва учта бузоқ харид қилиб қайтди. Оиланинг жамғармаси етмай қолгани учун колхоз кассаси дан ўн минг сўм қарз олишга тўғри келди.

Тажрибали чорвадор шу йилнинг ўзидаёқ бу қарзини узиш ниятида. Колхоз правлениеси билан тузилган ўзаро шартномага кўра у йил охиригача хўжаликка беш тонна гўштни давлат нархида сотади. Хўжалик ўз навбатида дағал хашак ва бошқа озуқа маҳсулотлари билан таъминлайди.

Айни пайтда Саид ака, унинг турмуш ўртоғи — ўн икки фарзаннинг онаси Ориф опа ва уларнинг катта ёшдаги ўғиллари Самад, Бахтиёр ва Ихтиёр оилавий фермадаги молларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

Когон районида биринчи бўлиб оилавий ферма ташкил қилган шахсий хўжаликка район ташкилотлари, колхоз правлениеси ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, молхоналар қурилиши учун зарур бинокорлик материаллари ажратилди, махсус темир охурлар ясаб берилди.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам ташаббускор пенсионернинг издошлари кўпаймоқда.

Суратда: оилавий ферма бошлиғи С. Сафаров.

Ҳ. ҚУРБОНОВ сурати.

• *ЯНГИ АСАРЛАР*

Ўлмас УМАРБЕКОВ

ЕР ЁНГАНДА

ҲИКОЯ

ТОНГГИ ғира-ширада шаҳарга тушиб кетган келинини Солиҳабиби бу гал қандайдир умид ва сабрсизлик билан кутди. Аммо кун ўтиши қийин бўлди. Пешингача ҳовлида ғимирлаб юрди: оғилхона олдида ёйилиб ётган помидорни тиргович қўйиб таради, бўйи келиб турсин деб, айвонга яқин экилган бўйрадек жойдаги ош райҳоннинг тагини чопди. Чорсигина, уч сотих ерда яна нима қилиш мумкин эди? Молга қарай деса, йўқ, сотилиб кетган. Неварасининг тўйига атаб кўчқор боқиб турувди. Уни ҳам бир ой бурун колхозга олинган қарзлар ҳисобига топшириб юборишди, тирик мол-ҳолдан қолгани битта калонкур товуқ. Унинг нимасига қарайди? Ўзи сув, дон топса?.. Пешиндан кейин қўшнисининг беқасам кўрпасини қавишга ўтирди. Яхши ҳам шу ҳунари бор экан, корига яраб турибди. Кўрпанинг баҳоси бир челак картошка бўлди. Сўрагани йўқ. Қўшнисининг ўзи ташлаб кетди. Шу картошка билан кун ўтиб турибди. Эртага битади кўрпа, бир бурчаги қолди, холос. Кейин нима қилади? Қавиғи маъқул келса, талабгорлар чиқиб қолар, қавиғи маъқул келиши турган гап. Солиҳабиби кўрпага бу гал палак нусха берди. Ўртасида офтоб, тўрттала бурчагида тўртта қўқонгули. Тўғри, қавиганида уч кундаёқ битарди. Майли, бахтли бўлсин қиз. Ўғли қайтса, келинига ҳам шундай кўрпа қилиб беради. Ҳозиргиси титилиб, пахтаси копток-копток бўлиб қолибди. Бир қаричда камида элликта қавиқ бўлиши керак. Ана ўшанда қанча тутма, теп-текис тураверади, пахтаси силжимайди.

Товуқнинг қақолагани эшитилди. Солиҳабиби беихтиёр ҳовлига назар ташлади. Кун ботди. Нега келинидан дарак йўқ? Ҳеч маҳал у шаҳарда бунчалик қолиб кетмас эди. Яхшиликмикан? Ажаб эмас, тузук хабар билан келса! Қишлоққа охирги автобус кун ботганда келади. Шунга улгурармикан? Улгурмаса қўлидаги эмзиклик боласи билан қийналиб кетади, бояқиш.

Келини намозшом пайти шу бугун отаси қамалган ўртоғиникига кетган невараси Турсун билан бирга кириб келди.

Солиҳабиби унинг авзойидан бу галги сафари ҳам натижасиз бўлганини сезди. Келини унинг қўлига боласини ташлади-ю, эшикларни тарс-турс очиб, ичкарига кириб кетди. Турсун орқасидан бормоқчи эди, Солиҳабиби тўхтатди.

— Опанг чарчаб келган, ўзига келсин.

Иккалови иссиқда пишиб кетган, олис йўл элитиб ухлаб қолган чақалоқни ечинтириб, қуруқ чойшабга ўрашди. Отаси қамалгандан кейин туғилган, эндигина саккиз ойлик бўлган болага улар отасисиз, ўзлари исм қўйишган эди. Кичкина Тўлқин қош-кўзлари, бурнининг кичкина бугри билан отасига, бувасига ўхшар эди. Солиҳабиби унинг туғилганидан қанчалик қувонмасин, дилида унга ачинар, отаси қамоқдалигида туғилган, шум қадам... деган гап умр бўйи унга ёпишиб қолишидан қўрқар, кечалари ухламай ўтирган пайтлари худога ёлбориб, ўғлининг тезроқ қайтишини, шўрпешона невараларига бахт, узоқ умр тиларди.

Кўп ўтмай Раҳима айвонга чиқди. Шишган қовоқлари, чимирилган қошларидан ҳали асабидан тушмаганлиги билиниб турарди. Солиҳабиби неварасига қилган овқатни олиб келди, чой қўйди. Турсуннинг иккала кўзи опасида эди.

— Мунча тикиласан? Овқатингни есангчи! — жеркиб берди Раҳима. — Эртага шуям борми — худо билади!

У товоққа қўл узатди. Бир бурда ёғлиқ нонни қотиб қолган тухумдан ажратди, тухумни ўғлининг олдига суриб, нонни орзига солди. Аммо ютолмай чайналиб ўтирар экан, қайнонасига қаради:

— Ҳақиқат йўқ дунёда, ойи. Ўғлингиз ҳеч кимга керакмас. Биз ҳам. Биров кимсан, одаммисан демайди. Нега туғдим буларни, ойи? Нега эрга тегдим?..

Раҳиманинг кўзларига ёш келди. Зўрға ютиниб, ёнида ёстиқ устида ухлаб ётган Тўлқинни қўлига олди, бағрига босиб, нам кўзларини ёпишабга суртди.

— Йиғламанг, опа, — ялинди Турсун.

— Ўзингни бос, болам, — Солиҳабиби уни юпатди. — Ҳеч кимга керак бўлмасаларинг ўзларингга кераксизлар, менга кераксизлар. Қўйворишмаса Қўйворишмас. Саккиз йил ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади. Турсунинг ўн бешга тўлади, туппа-тузук йигит бўлади. Эринг қайтади. Ана ўшанда иккламиз тўрт қават кўрпанинг устида ўтирамиз. Ташвишимиз бўлмайди.

— Овқатларниям ўзим қиламан! — деди Турсун.

Раҳима лабининг четида жилмайди.

— Тоғангга учрашдингми? — унинг бирроз тинчиганини кўриб сўради Солиҳабиби.

— Ҳа, — деди Раҳима. — У кишига ҳам бизни керагимиз йўқ. У кишигаям биз ўғримиз, порахўрмиз. Биздан жирканади у киши. Иложи бўлса бизни кўрмаса!

— Уришиб қолдингми? — Солиҳабиби хавотир олди.

— Уришадиган ҳолим борми, ойи? — истеҳзо билан жавоб қилди Раҳима. — Нимамга ишониб уришаман у киши билан?!

— Унақа дема, болам. Авваламбор жигаринг. Қолаверса, буванг кўп қарашган унга. Менам... Менам қараб турмаганман. Уйланганда бир сидра кўрпа-ёстиғини қилиб берганман. Нима бўлди ўзи?

— Тўғри облсудга бордим, — ўзига келган Раҳима оҳиста гапира бошлади. — Ёзилиб қўйганимни билишаркан, иккинчи эканман раиснинг қабулига. Биринчи — ғазалкентлик чол-кампирларкан. Хўп дедим. Фақат раис бугун ҳар галгидек ўн бирда эмас, иккидан кейин қабул қиларкан. Шошилинч юқорига, мажлисга чақириб қолишибди. Майли, дедим, ишқилиб қабул қиларкан-ку. Пастга тушиб облсуднинг олдидаги боққа ўтдим. Шўтта кутай, дедим-да.

— Тоғангникига борсанг бўлмасмиди иссиқда кўчада ўтирмай? — сўради Солиҳабиби.

Раҳима бир чимирилди-ю, лекин ўзини тутиб олди:

— Шу пайтда у киши ишда бўладилар. Ишхоналарига боргани уялдим. Қўлимда бола, қандай бораман? Боғда скамейка кўп, биттасида ўтириб кутдим. Ҳалиги чол-кампир ҳам келиб ёнимга ўтиришди. Бир жойга ишинг тушгандан кейин яқин бўлиб қоларкансан одам. Бечораларга юрагим ачиди. Ўғиллари тўрт ярим йилдан бери қамоқда экан. Учта боласи, хотини бор экан. Навбати келиб гап берибди. Хотини яхши дастурхон ёзибди, қуюқ-суюқ тортибди. Ошналари кетгандан кейин, кайфи баланд, бечорани тутволиб урибди, ўртоқларимни яхши кутмадинг, деб. Кўр бўласиз, мени билмасангиз, деб йиғлабди хотини. Билмайман, талоқсан, дебди эри. Учта бола билан қаёққа бораман, ундан кўра, ўлдириб қўяқолинг, деб хотин боёқиш маст эрининг қўлига пичоқ узатибди. Эр ўлгур ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, маст-да, қорнига пичоқ солиб юборибди.

— Вой, яшшамагур! — Солиҳабиби ҳайрон бўлиб келинига тикилиб қолди. — Ўлдириб қўйибдими?

— Йўқ, қўлини тутиб қолган экан, юрагига тегмабди.

— Вой яшшамагур!

Солиҳабибининг ҳайрат ва ғазабдан юзлари чўзилиб кетди.

ТУРСУН ҳам опасига ҳайрон қараб қолган эди. Ичида адаси қамоқда ётган бўлса ҳам бундай одам эмаслигидан, ҳеч маҳал у бундай қилмаслигидан, опасини яхши кўришидан хурсанд эди. Кўз олдида опаси қамоқхонага олиб борган кун пайдо бўлди. Адаси озиб, ранги кетиб қолган, илгариги қошларигача тушиб турадиган қуюқ қора сочлари олинган эди. Аммо ўша-ўша, ўзи билган, ўзи кўрган адаси. Учрашув хонасига кириши билан уни кўтариб олди, юз-кўзларидан, бошидан ўпди. Кейин Тўлқинни қўлига олди. Ана ўшанда адаси опаси билан қандай яхши гаплашганини кўрди. Опасини ҳам қучоқлади, секин ўпди, қўлларини қўлига олиб юзига суртди. Йўқ, адаси яхши одам, ҳеч маҳал бундай қилмайди, ҳеч кимга пичоқ урмайди.

— Қанчага кесилибди?

Бувисининг саволи унинг хаёлини бўлди.

— Тўққиз йилга. Чол-кампир илгари келишмаган экан. Ярми ўтгани учун келишибди. Чол жуда доно одам экан. Менга шундай ёқди, шундай ёқди! Нима дейди денг?

— Раҳима беихтиёр кулиб юборди. — Ўғлимнинг қўлига келининг ўзи пичоқ тутқазди, гуноҳҳи ярми унинг бўйнида, маст одамми, қўлига пичоқ бериб бўладими, дейди. Тўрт ярим йил иккалови — бири қамоқда, бири уйда баравар азоб чекди. Қўшса тўққиз йил бўлади. Етади шу, дейди. Мўндоқ қараганда тўғримасми, ойи?

Раҳима умид ва ўзини юпатиш истаги билан қайнонасига қаради. Солиҳабиби унинг ниятини сезди.

— Тўғри, болам. Чол тўғри гапирибди. Сенам кўп эзилаверма, ажаб эмас Турғунбоям тез қайтса!

— Кошкийди?... — Раҳима яна жиддийлашди, қуюқ қора қошлари чимирилиб, лаблари титрай бошлади.

— Суд нима деди? — унинг ҳаёлини бўлди Солиҳабиби.

— Нима дерди? Яна ўша гап. —Раҳима ҳаёлчан жавоб берди. — Чол-кампир кириб чиққандан кейин кирдим. Қовоқ-тумшуғи осилиб ўтирибди раиси. Билади нимага келганимни. Кўришиминан ўзи гапириб кетди. Пахта бўйича қамалганларни бошқатдан кўриб чиқишяпти. Эрингизга ҳам навбат келади, сабр қилинг. Лекин ҳеч нарса ваъда беролмайман, деди. Айбини бўйнига олган, деди. Билардим шундоқ дейишини. Аммо шундоқ дейди деб ўйламаган эдим. Ойи, бу қандоқ кўргилик? Саккиз йил саккиз кун эмас, чидолмайман ойи, чидолмайман!..

Раҳима йиғлаб юборди. Унга қўшилиб, аллақачон уйғониб кетган, кўзларини шиптга қадаб ётган чақалоқ ҳам йиғлай бошлади. Раҳима беихтиёр уни бағрига босди, алладаб тебрана бошлади, лекин анчагача ўзи ҳам, бола ҳам йиғлаб тинишмади. Солиҳабибининг юпатишлари, Турсуннинг ялинишлари кор қилмади.

Тун кирди. Юлдузлар чарақлай бошлади. Ҳалигина оқариб турган ой сариқ ҳандалакдек тўлишиб қўшни том устига келди. Шабода айвонни айланиб эса бошлади. Тунги салқин таъсир қилдими, ё чарчадими, Тўлқин онасининг қўлида ухлаб қолди. Раҳима ҳам ўзига келгандек бўлди. Боласини ёнига ётқизиб ўрин солгани турди. Турсун хонтахтага бошини қўйганча мудраб ўтирарди. Уни ёнига ётқизди. Кийимларини ечар экан, юз-кўзларидан ўпди. Кейин тоғасини кўрганини айтиб берди. Уни ҳам тасодифан учратибди. Уйга овқатланганги келган экан. Келинойисининг энсаси қотса ҳам индамай гаплаштирибди. Тоғаси янаги ҳафтага бир келиб кет, уриниб кўраман, дебди.

Солиҳабиби келининг бирмунча тинчиганидан хурсанд бўлиб, ҳовлига тушди. Эшикдан хабар олиб, водопровод тагида таҳорат қилди. Айвонга кўтарилар экан, бир пас қулоқ солди, уй жимжит эди. Етибди, келинини ўйлади у. Бечора, қандай қувноқ эди, хаёлидан ўтди унинг, кулгисидан дил яйрарди, бир йилда тўкилди-кўйди, сочигаям оқ тушибди. Кўрдимикан ўзи? Кўрса яна эзилади.

Раҳима у қайтгунча айвоннинг биқинига ўрнини солиб қўйибди. Кўрпа устига чўзилди. Шу топ ичкаридан оқ кўйлагини кийган Раҳима чиқди.

— Ҳа, болам? — сўради Солиҳабиби.

— Ювинмоқчиман, — деди Раҳима. — Ичим ёниб кетяпти.

— Қарашворайми? — Солиҳабиби бошини кўтарди.

— Йўқ, ўзим. Шундай водопроводни тагига ўтираман.

Раҳима оёқ яланг ҳовлига тушиб кетди.

Кўп ўтмай Солиҳабиби сувнинг шарақираб очилганини, келининг аввал сесканиб, кейин ҳузур қилиб, ҳаммаёққа сув сачратиб ювинаётганини эшитди. «Нимани кўрди бечора, — хаёлидан ўтди унинг. — Шундоқ қувнаб-яшнаш ўрнига, боши ташвишдан чиқмай қолди».

Раҳима қайнонасини безовта қилгиси келмадими, ё уялдими, оёқ учида айвонга чиқди. Солиҳабиби беихтиёр унга тикилиб қолди, келининг хушбичимлигини биларди, аммо анчагина кўҳлик экан. Бўйи баланд, сарвдек тикка. Сочлари ҳам узун. Шундай ёйилиб белигача тушиб турибди. Нозик баданига тарам-тарам бўлиб ёпишган жиққа ҳўл кўйлагидан чак-чак томаётган сув томчиларидан бир томчиси сачраб Солиҳабибининг лабига тушди. Баҳор нафаси, бинафшанингми, ялпизнингми, ёқимли иси димоғига урилгандек бўлиб кетди. «Ишқилиб бахти очилиб кетсин», — яшин тезлигида хаёлидан ўтказди Солиҳабиби.

Раҳима ичкарига кириб кетди.

«Ишқилиб бахти очилиб кетсин», — деди яна ичида Солиҳабиби. Кейинги пайтда у ўғлидан ҳам кўра кўпроқ келинини ўйлайдиган бўлиб қолган эди. Бировнинг боласи, ёлғиз қизи. Уникига келиб, келин тушиб, нима кўрди? Энди бири икки бўлай деганда ёш боши билан ташвишга қолди. Тағин ҳам фил экан, касал-пасал бўлиб ётиб қолса нима бўлади? Болаларининг ҳоли нима кечади?

СОЛИҲАБИБИ шундай оғир хаёллар билан ётар экан, тун яримлаб қолганини сезмади. Аммо унинг уйқуси келмасди. Ҳамма ёқ жим-жит. Осмон тинч, юлдузлар тинч. Том орқалаб юрган ой тиккага кўтарилган. Фақат олисда, қишлоқнинг олдидаги катта йўл томонидан итларнинг вовуллагани, пахса деворларнинг кавакларидан чигирткаларнинг чирқиллаги онда-сонда қулоққа чалинарди. Бошқа ҳамма нарса, бор тирик жон тин олаяпти, уйқуда. Ҳаммамикан? Бугундан бошлаб қишлоқнинг яна бир уйида тинчлик йўқолди. Мирвалиларникида. Келини оғиз очмади бу ҳақда. Унинг ҳам гапиргиси келмади. Ярага туз сепиб нима қилади? Беайб парвардигор. Лекин наҳотки шунча одам айбдор бўлса? Шунча одам ҳаром яшаса? Саид оқсоқол ўн саккиз минг деди. Наҳотки ўн саккиз минг кишидан инсоф, диёнат кетган бўлса?

Ичкари уйнинг эшиги секин очилиб, Раҳима пайдо бўлди.

— Ойи! — чақирди у бўғиқ овозда.

Солиҳабиби нима қилишини билмай қолди. Ҳа деса, яна ухламаяпсизми, деб хафа бўлади. Индамаса, дардини ёзолмай тонггача эзилиб чиқади. Яхшиси индамагани маъқул. Ётсин, бир пас дам олсин. Шундай қилди, овоз бермади.

Раҳима оёқ учида ҳовлига тушди. Солиҳабиби кўзларини очди. Шаҳарга кийиб тушган товар кўйлагини кийиб олган келини оғилхона томон юриб борарди. Кечаси ҳовлига чиқиб юрадиган одати йўқ эди унинг, кўрқарди. Қорни очдимикан? Қозонда ҳеч ваҳо йўқ-ку?! Солиҳабиби бошини кўтарди. Раҳима ўчоқбошига кирмади, бирпас эшик олдида турди-да, девордаги қозиқда осилиб турган арқонни олди. Кейин қаёққадир ғойиб бўлди. Шафтоли шохлари тўсиб турган оғилхона эшиги «ғийқ» этиб очилиб-ёпилгани эшитилди. Солиҳабибининг юраги орқасига тортиб кетди. Даҳшатли гумон хаёлидан ўтди, «Раҳима!» деб қичқирди. Лекин қўрқув ва ҳаяжондан овози чиқмади. Шошиб ўрнидан турди-да, айвонга қандай тушганини билмай оғилхонага югурди. Эшикни очганда Раҳима ғишт охурнинг устига чиқиб, бўйнига сиртмоқ солаётган эди.

Солиҳабиби «Ҳой!» деди-ю, югуриб бориб, оёқларига чанг солди.

— Нима қилаяпсан, ахмоқ?!

Раҳима бўшашиб охурга ўтирди.

— Жинни бўлдингми? — қичқирди яна уни елкаларидан силкитиб Солиҳабиби. — Болаларингни ўйламадингми? Манда нима қасдинг бор? Шарманда қилмоқчимисан ҳаммамизни?

— Тўйдим, — Раҳиманинг овозида на алам бор эди, на ғазаб. — Тўйдим, ойи. Ҳамма мендан юз ўгирди. Эртага болаларга нима бераман? Ўғлиз ҳали бери қайтмайди. Нима қилай? Ўзимми бозорга солайми?

Солиҳабиби унинг ёнига ўтирди. Елкаларидан қучоқлаб, бағрига тортди.

— Болажоним! Шўрпешонам! Қўй. Ўзингни бос. Иккита кап-катта хотин жўжадек болани боқолмаймизми? Боқамиз. Қўғирчоқдек ясатиб ҳам қўямиз. Сабр қил, болам, сабр қил. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Одам бошидан нималар ўтмайди? Отилиб кетганларнинг ҳам бола-чақаси юрибди. Иннайкейин, сенда нима гуноҳ? Нимангдан уяласан? Париштани ўзисан. Эринг қайтади. Унда гуноҳ йўқ. Уни бошини айлантиришган. Бир балоларни ваъда қилишган, ё қўрқитишган. Очилади бу ҳали. Тинч бўл, болам. Иккинчи бунақа иш қилма. Қани менга қарачи? Менга қара!

Солиҳабиби келининг бошидан, юзларидан силаб, ўзига қаратди.

— Оппоғим! Беғуборгинам!..

Шу алпозда улар бир-бирларига суяниб охур устида ўтиришганича тонг ота бошлаганини сезишмади. Раҳима кампирни аяса, Солиҳабиби уни ўйдами, шу ердами, ёлғиз қолдиришдан қўрқди.

Тонг отиб, қишлоқдан чиқаверишдаги бозорчадан Солиҳабиби бир товоқ қаймоқ ва иккита иссиқ нон олиб келганда, Раҳима гўё ҳеч нарса бўлмагандек кўйлагининг этагини липпасига қистириб ҳовли супурарди.

— Мунча эрта турмасанг, болам? Ҳовлиям чиннидек эди!

Раҳима бошини кўтармади:

— Кун исийдиганга ўхшайди. Уйнинг ичи ёнаяпти. Ухлолмадим. Қалин қилиб сув сепмоқчиман.

У ниманидир хиргойи қила бошлади. Кейин бирдан тўхтади:

— Ойи, тоғам ҳаракат қилармиканлар?

— Нега ҳаракат қилмасакан? Жигаринг-ку! Қилади, — айвонда дастурхон ёза бошлаган Солиҳабиби келинига ўгирилди. — Турғунни у яхши кўрарди. Иши чиқиб қолса ҳовлисига чақириб турарди. Ҳаракат қилади.

У шундай деди-ю, ўз гапига ўзи ишонмаётганини сезди. Турғунни олиб кетишган куни ўзи бориб келди жиянникига. Кейин икки марта Раҳима борди, кеча мана яна кириб келибди. Аммо Тошкентда каттакон ишдаги жиянидан аниқ гап эшитгани йўқ. Наҳотки шунчалик бемеҳр бўлса? Ё у ҳам қўрқаётганмикан? Нимадан қўрқади? Турғунда айб йўқ. Айби бошлигининг айтганини қилгани. Ўзига нима олибди? Обисқда чиқарди олган бўлса? Иннакийин у, ё бўлмаса келини биларди олган нарсасини. Бунинг устига у — Ҳамробек карвоннинг қизи, уйига ҳаром нарса, ўғирлик нарса келтирармиди?! Ўзи боради, ўзи бориб гаплашади. Солиҳабиби миннат қиладиган одамлардан эмас. Иннакейин, туғишган укаси, қони бир одамнинг боласидан миннат қилармиди? Адҳамбек урушда бедарак кетгандан кейин эр-хотин топишганини укасининг оиласи билан бўлиб ейишди, Равшанбек буни яхши билади. Ўзи гапирган неча марта. Наҳотки, бошларига шундай оғир ташвиш тушганда, ўзини четга олса?

Бугунқ боради, нонушта қилади-ю, жўнайди.

Шу фикр миясига келиб, Солиҳабиби анча енгил тортди, тунги даҳшатли воқеани унутди. Келини олдига нон ушатиб қўяр экан, яна уни ўзича юпатди:

— Худо пошшо, болам. Ҳеч маҳал бандасини зор қилиб қўймайди. Чойингни ичиб бўлиб, манга кичкина челакда помидор териб бер. Турсунбойни ясантир.

— Нима қилмоқчисиз?

Раҳима ҳайрон бўлди.

— Шаҳарга тушиб чиқаман, — Солиҳабиби гап қайтариб бўлмайдиган қатъий оҳангда гапирди. — Равшанбекка ўзим учрашиб келаман...

КОРА ҚИШЛОҚ Янги йўлнинг шундай биқинида. Олтмиш йил муқаддам Андижоннинг Найманчасидан қулоқ қилинганлар шу, Тошкентнинг юқорисидаги Сариоғочга тўташ ташландиқ жойга кўчиб келишган. Улар орасида Солиҳабибининг отаси Ҳамробек ака ҳам бор эди. Солиҳа ўшанда худди Турсундек ёш, эндигина тўққизга кирган, Равшанбек унда туғилмаган эди. Уруш бошланишидан бир ой бурун уни узатишди. Эри Обиджон урушга кетди. Солиҳабиби у йилларни эслашни ёмон кўрарди. Кетма-кет отасини, онасини кўмди. Бунинг устига ҳали танибилиб улгурмаган эрининг хонадонига кулфат тушди. Қайнотаси ҳам урушга кетиб, йил ўтмай ҳалок бўлди. Икки оиланинг ташвиши унинг елкасига тушди. Ўқишни ташлаб, фермага ишга кирди. Қоронғида кетиб, қоронғида қайтади. Қайтганида ҳам тинчлик йўқ, кечаси билан кийим тикади. Енгсиз пахталик нимчани ўша йиллари у ўйлаб топди. Қўшни қишлоқлардан келиб буюриб кетишади. Қора қишлоқнинг ярми қишни унинг шу пахталик нимчаларида ўтказадиган бўлди.

Обиджон бир қўлидан ажраб урушдан қайтди. Колхозга ишга кирди, хотини билан фермада ишлай бошлади, кейин мудирлик қилди. Учинчи фарзандлари Турғунбой туғилганда, — олдинги иккитаси турмади, қизамиқдан ўлиб кетишди — Обиджон фермада эди. Хушхабарни эшитиши билан отга миниб, уйга жўнади. Қаттиқ ҳаяжонга тушиб қўрмай қолдими ёки от ҳуркидими, темир йўлдан ўтаётганда поезд уриб юборди. От омон қолди, тўрт йиллик даҳшатли урушдан ўтиб келган одам эса уйининг олдида жон берди.

Отасининг еттиси куни чақалоққа Турғун деб исм қўйишди. Ўшанда Солиҳабиби ўттиз уч ёшда эди. Турмуш қурмади, не-не жойлардан совчилар келди, йўқ деди. Битта бола билан қолди. Мана энди шу болани, деб, шаҳарга кетаяпти. Укасининг ўғли Равшанбек шаҳарда ўқиб, шаҳарда қолиб кетди. Уч-тўрт йилдан бери министр ўринбосари бўлиб ишлайди. Нимжон, касалманд бола эди, отасига иккита келадиган бўлиб кетган. Солиҳабиби уни яхши кўрарди, болалигида кўтарарди, катта ариқда оёқларидан, қўлларидан ушлаб чўмилтирарди. Обиджон ҳам «годовой» чиққанида, бир арава-бир арава сабзи, пиёз қилиб ташлаб келарди. Наҳотки шуларни унутган бўлса?

Шаҳарга тушишдан, тағин бувиси билан тушишидан Турсун ҳам хурсанд эди.

— Ойи, адамларниям кўрамизми?

— Кўрсатса, — деди Солиҳабиби. — Кўрсатмаса опанг билан отдих куни тушганингда кўрасан.

— Ойи!

— Тўлаганниям адаси порахўрми? — сўради Турсун.

— Қайдам? — иккиланиб жавоб қилди Солиҳабиби. — Пора олганми, пора берганми, билмайман. Иккаловиям бир гўр. Гуноҳ. Тўхта! — хушёр тортди бирдан у. — Тўлаганниям адаси, деганинг нимаси? Адангни порахўр деб ўйлаяпсанми?

Турсун уялиб бошини қимирлатди.

— Йўқ, аданг порахўр эмас. Порахўрларни пичоғи мой устида бўлади. Аданг лаборант эди. Лаборантда нима бўларди? Адангни алдашган. Манавини хўжайинизга бериб қўйинг, дейишган. Адангам бу ғазетага ўроғлиқ нарса нима экан, деб суриштирмай-нетмай олиб қолган. Хўжайинига бергунча мелиса босган. Адангни гуноҳи шу. Аданг порахўрмас, ўғриямас.

— Катта бўлсам, мен ҳечам бухгалтер бўлмайман, лабарантам бўлмайман.

— Тўғри қиласан, — маъқуллади неварасининг аҳдини Солиҳабиби. — Олим бўгин, ё дўхтир бўгин. Олимлар ҳар хил китоблар ёзишади, одамларни яхшиликка ўргатишади. Дўхтирлар шифо келтиради. Ёшу қарини дуосини олади. Пора нималигини билмайди. Ким бўласан? Дўхтир бўласанми?

— Майли, дўхтир бўламан, — бувисини хафа қилгиси келмай рози бўлди Турсун. — Тиш дўхтири бўламан. Анави гит-гит машина билан Тўлаганни адабини бераман.

— Ундоғ дема, қўй, — Солиҳабиби неварасини ёмон ниятидан қайтарди. — Бечора бола адабини еб ўтирибди. Отаси қамалиб, сени мазах қилмайди энди.

Улар шундай гаплар билан катта кўчанинг чиқаверишдаги толзорга етишди. Автобуснинг сўнгги бекати шу ерда, чойхона рўпарасида эди.

Чойхона томондан ёз бўлишига қарамай, кўк мовут чакмон кийиб олган бир чол кўринди. У ҳассага таяниб битта-битта юриб келарди. Солиҳабиби таниди. Қишлоқ мутаваллиси Саидоқсоқол эди. Айтишларича, динга қарши ишлар авжига чиққан йиллари Ширинсойдаги мачитни бузишга қарор қилишибди. Аммо ҳеч кимнинг юраги дов бермабди. Шунда яқинда комсомолга ўтган Саид мачитнинг томига чиқиб биринчи кетмон урган экан. Ўшандан кўп ўтмай ўнг тарафи, юзидан оёғигача қотиб қолган. Не-не докторлар кўрмади. Қўли, оёғи ҳаракатга келди-ю, аммо юзи қоттанича қолди. Шундан бўлса керак, халқ уни орқасидан Саидқийшиқ ҳам дейди. Анчагина ўқимишли бўлганидан, ваъзхонлигидан узоқ йил қишлоқ Советида ишлади. Халқ уруш йиллари унинг гуноҳидан ўтиб мутаввали қилиб қўйди. Шу-шу бирон маъракага усиз ўтмайди, катталар қатори уйнинг тўри уники. Обид аканинг йилигача ҳамма маъракаларида ўзи бош бўлиб турди. Турғун қамалгандан кейин ҳам бир неча марта келиб қол сўраб кетди.

— Ҳа, чевар, йўл бўлсин? Шаҳаргами? — сўради яқинлашганда.

— Шундоқ, — Солиҳабиби ийманиб жавоб қилди, хайрли ишга кетаётиб биринчи кўрган одами Саидоқсоқол бўлганидан, яхшиликкамикан, ёмонликкамикан, билолмай хавотирланди. — Айланиб келайлик она-бола.

— Тўғри қиласиз, чевар, — Саидоқсоқол тўхтади. — Кўрган эшитгандан маъқул. Турғунбойга салом айтинг. Сабр қилсин. Яхши ишласин. Яхши ишлаганга бир кун уч кунга ўтармиш.

— Кўрсатадими, кўрсатмайдими, билмайман, — жавоб қилди Солиҳабиби. — Бугун кўрсатадиган кунимас.

— Кўрсатади! Шундай паҳлавон билан боросиз-ку, кўрсатмайдими?!

Саидоқсоқол Турсуннинг бошини силади.

Автобус келди. Солиҳабиби челакни қўлига олди.

— Саломни унутманг, чевар! — бир юзи билан жилмайиб қичқирди Саидоқсоқол. Солиҳабиби неварасини машинага чиқариш билан овора эди, индамади.

Бир ярим соат чамаси ҳар ер-ҳар ерда тўхтаб, автобус уларни Олой бозорига олиб келди. Шу ердан у орқага қайтарди. Солиҳабиби бир қўлида челак, бир қўли билан неварасини маҳкам ушлаганича автобусдан тушди. Жиянига учрашиш зарурлигини тушунса ҳам аввал қамоқхонага боришга қарор қилди. Бозор дарвозасидан сал нарида трамвай тўхтарди. Шу ёққа юрди. Турсун унинг ниятини сезди.

— Адамларни кўрамизми олдин? — сўради у кувониб.

— Борайликчи, болам. Зора кўрсатса!..

(Давоми бор).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«МЕДИАЛИНК»

СССРДА ВА ЧЕТ ЭЛДА РЕКЛАМА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

1989 йил январь ойида **ҳамкорликдаги «Медиалинк» совет-финлянд реклама корхонаси ташкил этилди. Совет-томониидан «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси, фин томонидан эса Финляндиянинг «Амулехти» деб аталган бошқа йирик концерни таркибига кирувчи йирик нашриёт концернларидан бири бўлмиш А О «Ўусн Суоми» бу корхонанинг таъсисчиларидир. Ҳамкорлик корхонасининг Уставига мувофиқ «МЕДИАЛИНК» СССР территориясида ва чет элларда барча турдаги реклама хизматларини, шу жумладан қуйидаги хизматларни амалга оширади:**

полиграфия хизматлари (эркин конверсияланадиган валюта билан ҳисоб-китоб қилиш йўли билан фин полиграфия базасидан фойдаланган ҳолда);

матбуотда, шу жумладан Европа, Италия ва Грециядаги немис тилида сўзлашувчи мамлакатларда тегишли тилда чиқариладиган «Московские новости» газетаси саҳифаларида реклама бериш (мазкур реклама эълонлари учун совет сўми билан ҳақ тўланади);

чет эл фирмаларининг буюртмалари бўйича Совет Иттифоқининг турли регионларида презентациялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва бизнестур (амалий иш сафарлари)**ларни ташкил қилиш ва ўтказиш;**

спорт тадбирлари пайтидаги ва транспартлардаги рекламалар билан биргаликда барча ташқи реклама турлари.

Ҳозирги вақтда қатор чет эл агентликлари ўз мижозларининг буюртмаларига кўра СССР даги совет (коммерсант)лари доираси билан амалий иш муносабатларини ўрнатишга қаратилган тадбирларни ўтказишга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шу муносабат билан «Медиалинк» ҳамкорлик корхонаси Сизлардан ўз корхонангиз ёки ташкилотингизнинг чет эллик шериклар билан амалий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлигига доир қуйидаги муфассал маълумотларни маълум қилишингизни сурайди ва бу ҳолда Сизга миннатдорчилик билдиради:

Сизнинг ташкилотларингиз ва корхоналарингизга маҳсулотлари манзур бўлган ёки улар билан ҳамкорликда ишлашдан манфаатдор бўлган чет эл фирмаларининг рўйхатлари;

чет эл фирмалари вакилларининг амалий-иш сафарлари (бизнестур)ни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича батафсил шартлар. Бунга қуйидагилар ҳам киради:

1. Сафарнинг тармоқ ёки мавзу мақсадларига йўналтирилганлиги.

2. Транспорт тури ва транспорт харажатлари кўрсатилган сафар маршрути.

3. Меҳмонхоналардан ўрин олиб бериш имкониятлари ва тегишли тарифлар.

4. Суткалик овқатланишни ташкил қилиш ва унинг қиймати.

5. Тил ва тарифлар кўрсатилган ҳолда таржимонлар хизматини тавсия этиш.

6. Сафарнинг тематик йўналишига мувофиқ ҳолда республика ташкилот ва корхоналарининг вакиллари билан учрашувлар ва суҳбатлар уюштириш шартлари.

«Медиалинк» ҳамкорлик корхонаси Сизнинг имкониятларингиздан келиб чиққан ҳолда чет эллик буюртмачиларга мўлжалланган таклифларни тайёрлаб беради.

Ташкилотингизнинг «Медиалинк» билан ҳамкорлиги ҳар бир конкрет буюртма бўйича тегишли комиссион мукофот тўлашни кўзда тутиб, амалий-иш сафарларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни қоплаган ҳолда шартнома асосида олиб борилади.

Адрес: 700027, Тошкент шаҳри, Большевик кўчаси, 6 «А» уй.

Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси, реклама ташкил қилиш бўлими. Телефонлар: 45-37-27, 45-37-24.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

• *Спорт*

Футбол

● БИРИНЧИ ЛИГА. Бугун 18-тур ўйинлари ўтказилади. Пахтакорчилар «Кубань» футболчиларини қабул қилишади. Мухлислар ЦСКА — «Таврия», «Қайрат» — «Динамо» (Бт), «Динамо» (Ст) — «Металлист», «Гурия» — АСК (Р) ва «Кузбасс» — «Нистру» командалари ўйинларига қизиқиш билан қарамоқдалар.

Ўйинлар жадвалининг бугунги кўриниши

	Ю	Д	М	Т	О
ЦСКА	12	2	2	45.10	26
Қайрат	9	4	4	31.16	22
Пахтакор	8	5	4	24.9	21
Динамо Ст	6	9	1	20.13	21
Гурия	8	4	3	23.12	20
Нистру	9	1	7	16.20	19
Нефтчи	6	6	4	17.15	18
Металлург	7	3	6	22.16	17
Котайн	6	5	5	17-10	17
Факел	6	5	5	16.13	17
Торпедо	7	2	6	25-25	16
Спартак	6	4	6	18.19	16
Динамо Бт	6	4	6	13.24	16
Шинник	5	6	5	19.26